**БАЙРАМИНГ МУБОРАК, ОНА ЮРТИМ!**

№22-24 (875-877)
2025 йил 21 март, жума

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



*Аввал юрагингга
мўралайди у,
Сўнгра куртакларга
ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан
қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз.*

*Абдулла Орипов,*
*Ўзбекистон Қаҳрамони,*
*халқ шоири.*

*Рақамлаштириш соҳа ривожига хизмат қилмоқда* › 2

*Қурилишда коррупцияга йўл қўймаслик бўйича амалий ишлар* › 13

## Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!



▶ 3-бет

# Боқий Бухорода баҳор шукуҳи



**Бухорода "Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!" шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Унда барча шаҳар ва туманлар жамоатчилик вакиллари, миллий маданий марказлар, корхона ва ташкилотлар, муассаса ва маҳаллалар масъуллари, юртимиз халқ хўжалиги тармоқларида ўз беминнат хизмати билан ҳурмат-эътибор қозонган фидойилар, меҳнат фахрийлари, албатта, ҳар соҳада етакчилик иқтидорини намоён этаётган ёшлар вакиллари, қолаверса, юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар йиғилганларни яшариш ва янгиланиш айёми билан самимий муборакбод этди.

Бугун вилоят аҳли, маҳалла ва кўчаларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз айёмини кутиб олмоқда. Барча юртдошларимиз катта хурсандчилик билан бир-бирини қутлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда. Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий корхоналар, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Халқчил ислоҳотлар натижасида юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани сингари вилоятда ҳам кўплаб замонавий корхоналар, йўл ва коммуникация тармоқлари, шинам турар-жойлар, янги боғча ва мактаблар, маданият масканлари, туризм, тиббиёт ва спорт иншоотлари, "Янги Ўзбекистон" массивлари бунёд этилмоқда.

Ушбу айёмда Наврўзнинг олижаноб қадриятларидан куч-қувват ва илҳом олган халқимиз маҳаллаларда ҳашарлар ташкил этиб, кўчат ва гуллар экиб, янги-янги боғ-роғлар, сайилгоҳлар яратмоқда.

Тантанали тадбир бадиий жамоалар, ёш ижрочилар ҳамда республикамиз санъат усталари томонидан тайёрланган, театрлаштирилган концерт дастури билан янада файзли кечди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Зариф Комилов.

Наврўз шодиёналари вилоятнинг барча ҳудудлари бўлиб ўтмоқда.

**Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Бухоро туманида давлат-хусусий шериклик асосидаги 226 миллион долларлик лойиҳа доирасида жаҳон стандартларига мос аэропорт барпо этилади. Бу билан соатига 1 минг 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Йўловчи ва ҳаво кемаларига сервис сифатини ошириш орқали янги халқаро авиакомпаниялар жалб қилинади.**





Айни кунда фаолият кўрсатаётган Бухоро халқаро аэропорти аҳоли ва туристлар талабига жавоб бермаяпти. Мазкур аэропорт соатига 400 нафар ёки йилига 1 миллион йўловчига хизмат кўрсата олади, холос. Парвозларни бошқариш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимлари, кутиш-кузатиш заллари қатновларни кўпайтириш имконини чекламоқда. Аксарият сайёҳлар Бухорога келиш учун Тошкент, Самарқанд ёки Урганч аэропортларига қўнишга мажбур бўлмоқда. Вилоятда меҳмонхоналар тармоғи, зиёрат туризми ривожланиб бормоқда. Келгуси уч йилда Бухорога туристлар оқимини 10 миллионга етказиш режа қилинган.

Янги қурилаётган аэропортда ишларни жадаллаштиришга бағишланган тадбир ташкил этилди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Зариф Комилов.

Тадбирда вилоят ҳокими Ботир Зарипов, республика идоралари мутасаддилари, соҳага дахлдор масъуллар, қурилиш-пудрат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Ботир Зарипов мутасаддиларга ишчи-ходимлар ва техникаларни кўпайтириш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22-24 (875-877) 2025 йил 21 март



# “O‘zGASHKLITI”

## Бухородаги замонавий шамол электр станцияларининг ишончлилигини қандай таъминламоқда?

**Акмал МЕРГАНОВ,** “O‘zGASHKLITI” Муҳандислик геофизик тадқиқотлар бўлими катта муҳандиси, геофизик.

**Бугун Ўзбекистон қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш борасида улкан қадамлар ташламоқда. Бу соҳадаги энг улкан лойиҳалардан бири – халқаро ҳамкорлар иштирокида амалга оширилаётган “Баш” ва “Жанкелди” шамол электр станцияларидаги икки йирик шамол электр станцияларини барпо этишдир.**

Бухоро вилоятида қурилаётган ҳар бири 500 МВт қувватга эга ушбу станциялар мамлакат миллий энергетика тизимининг муҳим бўғинига айланиб, йилига 3,6 миллиард кВт·-соат электр энергиясини ишлаб чиқаришга қодир бўлади. Бу эса табиий газ истеъмолини сезиларли даражада қисқартириб, йилига 1,1 миллион тонна карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтириш имконини беради.

Бироқ бундай йирик лойиҳалар мустаҳкам муҳандислик асосига таянади. Чунки бу каби объектларни қуриш батафсил геотехникавий ва муҳандислик тадқиқотларини талаб қилади. Ушбу лойиҳада асосий ролни Қурилишда муҳандислик-геотехника ва геоинформатика бўйича илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти – “O‘zGASHKLITI” мутахассислари бажаришди. 60 йиллик тажрибага эга институт ветрогенератор конструкциясининг барқарорлиги ва хавфсизлигини кафолатлаш учун тўлиқ геофизик ҳамда геотехника тадқиқотларини амалга оширди. Тадқиқотларнинг бир қисмини “O‘zGASHKLITI”, бошқа қисмини эса маҳаллий компаниялар бажарди. Бу эса буюртмачига ишлар сифатини, оперативлик ва тадқиқот натижалари ишончлилигини таққослаш имконини бергани билан аҳамиятлидир.

### ЕР ҚАЪРИДАГИ МУАММОЛАР: ФУНДАМЕНТЛАР ОСТИДАГИ ГРУНТЛАРНИ ЎРГАНИШ

100 метрдан баланд бўлган 160 дан ортиқ шамол генераторлари кучли шамол босимига дош бериши керак. Нотўғри танланган жой ёки хато ҳисобланган фундамент конструкцияси оғиши ёки ҳатто бутун иншоотнинг қулашига олиб келиши мумкин. Бундай хавфларнинг олдини олиш учун институт мутахассислари ва маҳаллий муҳандислик компаниялари халқаро методлар асосида икки турдаги тадқиқотларни ўтказди. Булар – MASW геофизик тадқиқоти ва PLT геотехника синовлари. Бу усуллар нафақат грунтларнинг механик хусусиятларини аниқлаш, балки фундамент учун энг мақбул муҳандислик ечимларини танлаш имконини ҳам берди.

**MASW методи – бурғилашсиз таҳлил**

MASW (Multichannel Analysis of Surface Waves) – кўп каналли юза тўлқинлар таҳлили методи бўлиб, у бурғилашсиз 30 метргача чуқурликдаги грунтларнинг хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Бу усул грунтларда юза тўлқинлар тарқалиш тезлигини таҳлил қилиш орқали уларнинг зичлиги, қаттиқлиги ва потенциал заиф зоналарини аниқлайди. Тадқиқот натижалари халқаро стандартларга мувофиқ таснифланди.

**PLT методи – фундамент учун муҳим тестлар**

MASW натижалари тасдиқлангандан сўнг, PLT (Plate Load Test) методи – плитага юк тушириш усули орқали фундаментнинг юк кўтариш қобилияти янада аниқроқ ҳисобланди. Бу тест тупроқнинг фундамент остидаги юкланишга қандай жавоб беришини бевосита ўлчаш имконини беради. PLT синовлари Бош ва Жонгелди объектларида ўтказилди. Мутахассислар темир плиталарни ерга жойлаштириб, гидравлик жиҳозлар ёрдамида босимни босқичма-босқич ошириш орқали грунтнинг чўкиш даражасини ўлчашди.

Бу текширувлар натижасида:

– Грунтнинг максимал юк кўтариш қобилияти аниқланди;

– Упруглик модули ва реактив қаршилик коэффициенти ҳисоблаб чиқилди.

PLT синовлари ASTM D1195 ва ASTM D1196 халқаро стандартлари асосида ўтказилди, бу эса натижаларни ишончли ва таққослаш мумкин бўлган ҳолда расмийлаштириш имконини берди. Ушбу тестлар қурилиш учун танланган майдонлардаги грунтлар массив фундаментлар учун талабларга жавоб беришини тасдиқлади ва юкламалар бир текисда тақсимланишига кафолат берди.

Бу нега муҳим?

Булар тўғри фундамент конструкциясини танлаш, иншоотнинг чўкишини минималлаштириш, сейсмик ва шамол босимларига барқарорликни таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ тадқиқотларни амалга оширишда катта роль ўйнайди. Бу эса халқаро ҳамкорлар билан лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун муҳим ҳисобланади.

### ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ КЕЛАЖАГИ

“Баш” ва “Жанкелди” лойиҳалари Ўзбекистоннинг қайта тикланадиган энергия стратегиясининг бир қисми ва яқин йилларда мамлакат янги шамол ва қуёш электр станцияларини ишга туширишни режалаштирган. Бу каби лойиҳаларнинг муваффақияти сифатли муҳандислик тадқиқотларига бевосита боғлиқ. Бу борада “O‘zGASHKLITI” геотехника ва геофизика соҳасида энг замонавий методларни жорий этиш орқали Ўзбекистоннинг энг йирик энергетика лойиҳаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлашда давом этмоқда.

# Танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Пойтахтимизнинг Олмазор туманида “Энг яхши бошқарув органи” танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.**




Тадбирни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева очиб бериб, иштирокчиларни саралаш босқичида қўлга киритган ютуқлари билан табриклади ҳамда танлов ҳар бир қатнашчи учун жамият олдида ўз ютуқларини намоён қилувчи ажойиб имконият эканини таъкидлади.



Танловда Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Ҳабибулла Мирсоатов, Олмазор тумани ҳокими Азизхон Умархонов ва бошқа масъуллар ҳам иштирок этиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдиришди. Очиқ ва кўтаринки руҳда ташкил этилган мазкур тадбир доирасида туманлардаги саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган 9 та бошқарув сервис компаниялари фаолиятларини намойиш этиб, ўзларининг техник имкониятлари, илғор тажрибалари ва жамоавий ишлаш тамойиллари билан танловда иштирок этишди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, Юнусобод туманидаги “Feniks art” бошқарув сервис компанияси ва Яккасарой туманидаги “Classic building” компанияси 84 балл, Олмазор туманидан иштирок этган “Olmazor holding grand” компанияси эса 92 балл тўплаб, танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тадбир иштирокчилари Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Танловда энг юқори балл олган “Olmazor holding grand” бошқарув сервис компанияси раҳбари Асрор Арслонхўжаевнинг таассуротлари билан қизиқдик:

– Давлатимиз раҳбарининг соҳага бўлган эътибори бизни янада олға қадам ташлашимизга замин ҳозирламоқда. Ушбу танлов ҳам ўз имкониятларимизни кўриш, камчиликларимизни аниқлаш, янги инновациялар сари дадил қадам босишимизда муҳим роль ўйнайди. Ўйлайманки, республика босқичида ҳам бор имкониятимизни ишга соламиз. Ҳали қиладиган ишларимиз, ўрганадиган нарсаларимиз кўп. Ривожланишда давом этишимиз керак, шунда ишларимиз сифати ҳам ўсиб боради.

Таъкидлаш керакки, танлов нафақат соҳанинг ривожланишига, балки умумий мулкни асраб-авайлашга бўлган ёндашувни кучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Танловни ўтказиш орқали бошқарув органларининг халқ билан мулоқоти, меҳнати ва хизматлари жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиниб, уларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга замин ҳозирланди. Қатнашчиларнинг ўз фаолиятларини намойиш қилиб, жамият учун фойдали хизматлар кўрсатишга бўлган интилишларининг ўзи бир ютуқ.

– Биз учун танлов ўз имкониятларимизни синовдан ўтказишда, ҳамкасблардан янги билимларни ўзлаштиришда муҳим қадам бўлди, – деди “Бунёдкор обод таъмир сервис” БСК раҳбари Ирина Ан. – Бу ерда гап кимнинг ғолиб бўлишида эмас, ривожланиш йўлида ким кўпроқ ўрганса, ўз ишига танқидий назар билан қарай олса, катта натижага эришган бўлади. Республика босқичига йўл олган жамоаларга омад тилаб қоламан.

Эндиликда танловнинг республика босқичида иштирок этиши кутилаётган барча қатнашчилар аниқланди. Ўйлаймизки, финал босқичи ҳам қизғин руҳда ўтиб, қатнашчиларга ўзига хос мактаб вазифасини бажаради. Тадбир нафақат иштирокчиларни рағбатлантириш, балки янги инновацияларни жорий қилиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишни ҳам кўзда тутади.

# Рақамлаштириш соҳа ривожига хизмат қилмоқда

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугун фуқаролар қўл телефони орқали қурилишга оид қандай ахборотларни олиш имкониятига эга? Тадбиркорлар-чи? Улар қурилишга доир неча фоиз ишларни онлайн бажармоқда? Таҳлиллар ва маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, рақамлаштириш энг кўп самара берган соҳалардан бири бу – қурилишдир.**



Биргина мисол, бугунги кунда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали 16 та давлат хизматларини масофадан бажариш мумкин. Бу аҳоли ва бизнес вакилларининг вақтини тежаяпти. Унинг қулайлиги ҳам алоҳида масала. Хусусан, авваллари қурилишга рухсат олиш жараёнлари бир неча ойга чўзилган бўлса, бугун эса 25 кунда амалга ошириляпти. Хўш, кейинги йилларда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан рақамлаштириш жараёнида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Аввало, айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 сентябрда қабул қилинган “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Бугунги кунда фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, тадбиркорларнинг мурожаатларини ҳал этишга қаратилган “Менинг уйим”, “Иссиқлик таъминоти биллинги”, “Хавфсиз лифт”, “Огоҳ фуқаро” каби ахборот платформалари ҳаётга татбиқ этилган. Вазирлик тизимида ахборот- коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ташкил этилган бўлиб, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулайликларни янада кенгайтиряпти.

– “Шаффоф қурилиш” тизими орқали ҳамма жараёнлар рақамлаштирилган, – деди “Yangi Zamon Bino” қурилиш ташкилоти раҳбари Артём Крескас. – Яъни, экспертизага ҳужжатларни топшираётганимизда авваллари жуда катта бўлган лойиҳа смета ҳужжатларида мураккабликлар юзага келарди. Бугунги кунга келиб эса барча ҳужжатлар ушбу тизим орқали юборилиб, хулосалар олинади. Яширин иқтисодиёт кун сайин камайиб кетмоқда. Ҳозирги пайтда қурувчилар, лойиҳа институтлари ёки буюртмачи ташкилотлар қоғозбозликлардан воз кечди.

Эски тизим бўйича тадбиркорлар қурилишга рухсат олиш учун маҳаллий ҳокимликлар ва давлат органларида соатлаб навбат кутар, камига бу жараён жуда кўплаб ҳужжатларни талаб этарди. Мобиль иловалар, онлайн платформалар яратилиши билан иш анча енгиллашди. Энди барча аризалар масофадан юборилади. Инсон омилисиз ишлайдиган ушбу тизим аввало манфаатлар тўқнашувининг олдини олади. Шунингдек, қулай ва тезкор, бюрократик тўсиқлардан холи. Кейинги йилларда қурилиш соҳасида давлат харидлари жараёнлари шаффофлаштирилди. Электрон тендер ва рейтинг платформалари коррупцияни камайтирди ва қурилиш соҳасида рақобатни оширди. Бу эса қурилиш объектларида ишлаш учун аниқ ва тўғри йўл очди. Тизимлар орқали коммунал хизматлар осонлашди. 50 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар платформага киритилди ва аҳоли коммунал тўловларни онлайн тўлаш имконига эга бўлди. Бугунги кунда вазирлик тизимидаги “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ томонидан ҳам фаолиятнинг очиқлиги ва коррупцияга қарши курашишда айнан рақамлаштиришдан фойдаланиляпти. Бу борада махсус сайт қурилиш ташкилотларига ёрдам беради. Бугунги кунда барча аризалар электрон тарзда қабул қилинмоқда.

– 2024 йилдан бошлаб янги версия ишлаб чиқилди. Бу версияда асосан барча соҳа, буюртмачидан тортиб эксперт ходимларигача рақамлаштирилди, яъни бу нимага олиб келади? Рақамлаштириш деганда асосий тушунча инсон омилини йўқотиш, – деди “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ бош мутахассиси Санжар Абдураҳмонов. – Ўзаро манфаатлар тўқнашуви бартараф этилади, яъни коррупцион ҳолатнинг олди олинади. Платформа шартномагача рақамлаштирилиб, буюртмачи ўзи Биллинг тизим орқали балансни тўлдириш, маблағни қайтариш тизими яратилди. Буюртмачи платформага мурожаатини юклагач, мазкур мурожаат девонхона томонидан кўриб чиқилади ва у девонхона ходими томонидан қабул қилингач, автоматик тарзда экспертга тушади. Бу ҳолатда эксперт кимлигини буюртмачи билмайди. Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва стандартлар рақамлаштирилгани қурилиш жараёнларини шаффофлаштиришга ёрдам беради.

Шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига қурилаётган объектлардан мулк харид қилиш имкони яратилди. Тизимда рўйхатга олинган шартномаларга вазирлик кафил бўлиб, уларнинг алданиб қолишлари олди олинади. Жорий йилда кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида сотиб олиш учун “эскроу” тизими йўлга қўйилмоқда. Бу қурилиш соҳасида янги инновацион тизим бўлиб, қурилиш лойиҳалари бўйича молиявий хавфсизликни таъминлаш ва эҳтимоллик хатоларини олдини олишга қаратилган.

– “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида яратилган платформадаги тендер объектларининг номма-ном пудратчисининг бали кўриниб туради, – деди қурилиш компанияси раҳбари Имомиддин Нозимов. – Ҳар бир йўналишнинг ўз мутахассиси бор. Ҳозир ҳаттоки, лойиҳачилар ҳам тендерда ютиб олишяпти. Лойиҳадан келиб чиқиб тендердан ютиб олиб, объект қурамиз. Ҳозир ҳамма жараёнлар шаффоф бўлаётгани жуда катта енгиллик яратмоқда. Ҳаттоки, қўлимиздаги мобиль ускуна орқали ҳам қаерда бўлишимиздан қатъи назар “Шаффоф қурилиш” тизимига кириб тендерда иштирок эта оламиз. Тендерга кириб, баллни кўриб, тендерга кириш ё кирмаслик ҳақида ўзингизга хулоса олишингиз мумкин. Ногиронлиги бор ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ишга олинса ҳам балл берилади. Қанча кўп ишчи олинса шунча балл кўтарилади. Ушбу ахборот тизими иш ўринлари яратилишига ҳам хизмат қиляпти.

Энди “Огоҳ фуқаро” платформаси ҳақида тўхталиб ўтсак. Ушбу платформа фуқароларга қурилаётган объектлар ҳақида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларида аниқланган қоидабузарликларни фото ёки видео кўриниши тарзида назорат инспекциясига юборишда ёрдам беради. “Тендер” платформаси эса давлат харидларини шаффоф ва автоматик ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу платформада иштирокчиларнинг маълумотлари автоматик равишда баҳоланади. Тендерлар инсонлар омилисиз, объектив ва ошкора равишда ўтказилади. Платформа вазирликлар ва идоралар билан интеграция қилинган бўлиб, тендер жараёнларида иштирокчи ташкилотларнинг барчаси тенг ҳуқуқли рақобат олиб боради. Бугунги кунга қадар электрон платформа орқали 43 120 та тендер ўтказилди. Уларда 14 490 та қурилиш ташкилоти иштирок этди.

– Қурилиш соҳасида 12 йилдан бери фаолият юритаман, – деди қурилиш объекти лойиҳа раҳбари Мурод Самадов. – Ҳозирги кунда ушбу миллий тизим қулайликларидан бири код орқали кирилганда объект паспорти ҳақидаги барча маълумотларни, хусусан, давлат реестридан ўтганми ёки йўқлиги ҳақида ҳам аниқ маълумот олиш мумкин. Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган объектлар қурилишидаги тендерларда “Шаффоф қурилиш” миллий тизими орқали қатнашиш мумкин. Аввалгидек ортиқча қоғозбозликлар йўқ. Ҳамма тизим бир-бири билан чамбарчас боғланган. Бу эса “Шаффоф қурилиш”да шакллантирилади. Ҳар қандай қурилиш ташкилоти тендерда қатнашишидан олдин унинг рейтинг баллари платформанинг ўзида жойлаштирилган бўлади. Қурилиш ташкилоти ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилади. Авваллари жуда кўп ҳужжатлар талаб қилинган бўлса, у буюртмачи билан бир хонада ўтириб кўриб чиқиларди. Уни баҳолаш ва хулоса олишда инсон омили қатнашарди. Ҳозирги кунга келиб эса пудрат ташкилотлари ўзининг маълумотларини плтаформага юклаб, шу платформа орқали тендерда қатнашиш учун лойиқми ёки йўқми аниқ хулоса келиб чиқади.

Бир сўз билан айтганда, қурилиш соҳасида рақамлаштиришнинг жадаллашуви туб бурилишларга сабаб бўлди. Инсон омилисиз, шаффоф, бюрократиядан холи тизим ишга туширилиб, такомиллаштириб борилмоқда. Онлайн тизим мамлакатимиздаги қурилиш жараёнларини тартибга солиш вақт ва маблағ тежамкорлигига эришиш, умуман соҳани замон талаблари асосида ривожлантиришга хизмат қилади. Муҳими, тизимда рақамли хизматларнинг кўлами тобора ортиб бормоқда.

# Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” ижтимоий-иқтисодий газетаси бош муҳаррири.

**Баҳор табиатнинг уйғониш фасли. Бу фаслда, шоирлар таъбири билан айтганда, ҳатто туйғусиз чирик хазон ҳам яшил пўпанакдан қанот боғлайди. Юртимиз тенгсиз чиройга бурканиб, ранго-ранг гуллар кўклам жилваси янглиғ қалбларга севинч бағишлайди.**




Коинот бағрида, ўз меҳварида бетиним айланаётган она Ер беминнат қуёшимиз – офтоб нури тик тушадиган кенгликлар томон оға бошлаши билан бутун борлиқда юз берадиган буюк ўзгариш инсон руҳиятига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Шу боис кўклам келганда нафақат бутун табиат, инсоннинг ўзи ҳам қайта туғилгандек қалбида эзгу туйғулар, пок ҳиссиётлар жўша бошлаганини ҳис этади. Негаки, табиатнинг яшнаб-яшариши инсон руҳида ҳам улуғ аждодлардан мерос гўзал туйғуларни қайтадан уйғотади.

Улуғ аждодларимиз кўклам чоғи табиатда юз берадиган бундай ўзгаришларни, бутун борлиқнинг уйғонишини йилнинг алмашиши, янги йил – янги куннинг келиши, деб билганлар. Ва шу тариқа неча-неча минг йиллардан бери Наврўз айёми шарқ халқларининг қутлуғ байрами сифатида нишонлаб келинади. Халқ ўз орзу-истаклари, ҳаётдан, безавол умрдан кутаётган улуғ неъматларни Наврўз билан чамбарчас боғлаб, бу айёмни соғинч билан қаршилайди. Наврўзни халқ сайиллари билан гўзал байрам сифатида нишонлаш эл-юртнинг беқиёс миллий қадриятларидан бирига айлангани боиси ҳам шунда.

Ҳар қандай миллий қадрият эса, ўша халқнинг ўзлигини англатади. Боболари, аждодлари ким экани, улар қандай яшаб, қандай умргузаронлик қилганларини



унутмаслик, буюк ўтмиши, улуғ тарихи, аждодлар шавкати билан фахр-ифтихор туйиш ҳар қандай миллатнинг кучига куч қўшган, қудратига қудрат бағишлаган. Бирор босқинчи қай бир юртни истило қилмоқчи бўлса, аввало, унинг миллий қадриятларини йўқотишга ҳаракат қилади. Тарихда бизнинг қадим Турон юртимизга қай томондан ёвуз босқинчилар, “нонга тўйганда ҳам маконга тўймаган” талончилар бостириб келган бўлса, халқимиз хотирасидан миллий қадриятларни ўчириб ташлашга жон-жаҳди билан тиришган. Негаки, миллий қадриятларидан мосуво бўлган эл-юрт ўзлигини, буюк аждодлари шавкатини унутишга маҳкум бўлади. Қадриятларидан, миллий тагзаминидан ажралган халқни қул қилиб ишлатиш, бойликларини талаш, истаганча таҳқирлаш осон кечган. Шунинг учун мустабидлик замонларида халқнинг тарихини сохталаштириш, миллий қадриятларини эскилик сарқити деб камситиш ва шундай уринишлар орқали ўсиб келаётган ёш авлодларни илдизидан ажраган дарахтдек маънавий қадриятларидан бебаҳра, манқурт ҳолда яшаши, босқинчиларнинг мақсад-муддаоларига мос келадиган ўзга маданиятларни руҳиятига сингдиришига замин ҳозирланган.

Буни англаш учун тарихнинг олис пучмоқларига назар солиш шарт эмас. Бундан қирқ йиллар муқаддам, шўролар замонининг айни гуллаган чоғлари Наврўз байрамини тақиқлаш юзасидан олиб борилган ташвиқоту амр-фармонларни эслашнинг ўзи кифоя. Ёши улуғ авлод ўша кунларни жуда яхши эслайди. Бироқ улуғ шоиримиз “Офтоб поймол бўлмас, кавакларда қолмас ой нури”, деб ёзганидек, Истиқлолимизнинг илк йилларида, яъни 1991 йил 12 февралда “**Республикада Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида”**ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Бу муҳим тарихий ҳужжатда республикада инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида Наврўз байрамини кенг нишонлаш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган эди.

Хусусан, байрамни аҳолининг барча табақалари истак ва хоҳишларига, ҳар бир жойнинг ўз шароитларига қараб, ҳар бир ташкилот, вазирликдан тортиб, маҳаллаларни кенг жалб этган ҳолда ўтказиш, ҳар бир фуқарога иззат-икром кўрсатиш, қариялар, болалар, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, бева-бечора ва боқувчисидан ажралганларга меҳр-шафқат кўрсатишга алоҳида эътибор беришгача кўзда тутилди. Наврўз байрамини нишонлашга доир ягона ғоя – инсонни улуғлаш, миллий ғурурни кўтариш, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадларини ўзида ифода этди.

Мана шундан буён орадан 34 йил вақт ўтди. 1991 йил миллий тарихимизда энг буюк воқеалар рўй берган йил сифатида ҳар бир ўзбек ва ўзбекистонлик учун бениҳоя қадрли. Шундан буён ҳар йили кўклам фаслида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Наврўз байрами халқимиз миллий анъаналарининг асрлар ғуборидан покланиши ва қайта юз очиши сифатида янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Наврўзни Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар ўз миллий байрамларидек қабул қилиб, тўкин дастурхон ва халқ сайиллари билан нишонламоқда.

Бу мунаввар айём кейинги йилларда Ватанимизда амалга оширилаётган “Инсон қадри учун, инсон бахти учун”, деган олижаноб ғояга ҳамоҳанг бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланди ҳамда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг нишонланмоқда.

Ушбу улуғ фаслнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган гуманизм, одамзотни бутун борлиқнинг гултожи сифатида эъзозлаш, она замин ва табиатни асраб-авайлаш тамойиллари бугунги кунда ҳаётимизда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Айнан ана шундай эзгу қадриятлар туфайли юртимизда аҳоли манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг ҳеч бир аъзосини меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, ер ва сув ресурсларидан, барча табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш устувор вазифамизга айланмоқда.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да нишонланадиган бу йилги Наврўз шодиёналари шу боис янгича руҳ ва мазмун касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “**2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида**”ги қарорида азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айлангани таъкидланган.

Президентимиз қарорида шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўзнинг юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб, бу қутлуғ айёмни **“Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!”** деган бош ғоя асосида юксак савияда нишонлаш белгиланган.




Бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхони ёзиш ҳамда турли хайрия тадбирларини, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, байрам арафасида барча ҳудудларда, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш акцияларини, умумхалқ ҳашарларини ўтказиш кўзда тутилган.

Жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида юртимизда яшаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш қилиб, байрам тадбирлари давомида ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўчма савдо дўконлари ташкил этиш, кўклам таомларини тайёрлаш ҳамда бу борада кўргазмали савдо ва танловларни уюштириш ҳам ташкил этилади.

Президент қарорига биноан бу йилги Наврўз умумхалқ байрами юртимиз бўйлаб халқ сайиллари тарзида кенг нишонланади. Наврўз тантаналари маҳаллалар, шаҳар-қишлоқларда халқ сайиллари билан ўтказилиши рамзий маъно-мазмунга эга**.** Минг-минг йиллик қадриятларни ўзида жамлаган Наврўз эзгу аъмолларга шу қадар бойки, буни табиатнинг шунчаки яшариши билан изоҳлаб бўлмайди. Негаки, Наврўзда инсон қалби, руҳияти ва тафаккури ҳам янгиланади, юракларда муҳаббат, мурувват, саховат тошади.

Ҳар бир ҳудудда Наврўз билан боғлиқ урф-одат ва анъаналар кўп. Жумладан, тоғли ҳудудлар аҳли байрамни “Бойчечак сайли” ёки “Бойчечак хабари” билан бошлайди. Болалар бойчечакдан гулдаста ясаб, бойчечак қўшиғини айтиб уйма-уй кириб, баҳор келганидан дарак беради. Кексалар, касалманд кишилар кўклам элчисини кўзда ёш билан қаршилайди. Бойчечакни кўзларига суртиб, шукрона келтиришади, болаларга суюнчи беришади.

Жанубий ўлкаларимизда баҳорнинг илк кунлари “Қозон тўлди” удуми ўтказилиб тухумбарак тайёрланади. Бу янги бошланаётган йилнинг ризқ-рўзли, қут-баракали келиши учун холис ният ифодаси. Фарғона водийсида дорбозлар, полвонлар беллашуви билан бу гўзал айём файзига файз қўшилади. Қорақалпоқ диёрида эса бахшилар дўмбирасига ёш-яланглар жўр бўлади, халқона термалар, достонлар куйланади. Ўтовлар ёнида дошқозонлар осилиб, “Наврўз гўжа” тайёрланади. Қашқадарё ва Сурхондарёда ёрма ва сумалаклар пиширилади, дастурхонни кўк сомсалар безайди. Пойтахтимиз Тошкент маҳаллаларида эса, ҳалиму сумалак пиширилиб, асрий анъаналар улуғланади. Барча вилоятларда элимиз фарзандлари, ёш болалар осмонга турфа хил варраклар учириб, кўнгилларини шод этади. Халқ сайиллари, оммавий маросимлар эл-юртни бирлаштириб, ўзаро ҳамжиҳатликка, бирдамлик ва фаровонликка йўл очади.



Суратлар president.uz сайтидан олинди.

Буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий ҳазратлари “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур”, деб ёзганларидек, Наврўз айёми арафасида анъанага кўра ҳудудларда элнинг узоғини яқин, оғирини енгил, Ватанни обод, эл-улусни фаровон қиладиган кўплаб иншоотлар, йўллар, мукаммал лойиҳаланган янги уй-жойлар, обод қишлоқлару маҳаллалардаги янги бинолар, йирик саноат корхоналари элимизга, халқимизга туҳфа қилинади.

Бу йил ҳам ана шу анъана давом эттирилди. Президент Шавкат Мирзиёев 20 март куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инвесторларга яратилган қулайликлар туфайли иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши ошиб бормоқда. Тўғридан-тўғри сармоялар киритилиб, саноат, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилган “High Town City” мажмуаси шулардан бири. У кенг қамровли бўлиб, савдо ва кўнгилочар маркази, бизнес маркази, меҳмонхона ва замонавий турар жойларни ўз ичига олган. Бунга 510 миллион АҚШ доллари тўлиқ хорижий инвестиция йўналтирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев 20 март куни савдо марказидаги замонавий тижорат ва хизмат турларини кўздан кечирди. 4 қаватли бинода савдо дўконлари, жумладан, машҳур брендларнинг шохобчалари очилган. Ресторан ва кафелар, кўнгилочар ўйингоҳлар, спорт майдонлари, кинотеатрлар эл хизматида. Ер остида автотураргоҳ бор.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда одамлар савдо қилиши, дам олиши, спорт билан шуғулланиб, вақтини чоғ ўтказиши учун барча шароитлар яратилган. Мажмуа бир кунда 5 минг кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Унда 1 500 киши иш билан таъминланди.

Яқинда бу ерда 24 қаватли, беш юлдузли меҳмонхона ҳам барпо этилиши режалаштирилган. Унда 250 та хона бўлиб, бир вақтнинг ўзида 430 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Катта ва кичик конференция заллари, сузиш ҳавзалари, ресторан ва дўконларда замонавий қулайликлар йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбарига яқин келажакда қуриладиган замонавий уй-жойлар лойиҳаси тақдимотига кўра, бу ерда 1 500 та хонадондан иборат 28 та кўп қаватли уй бунёд этилади. Мажмуа ҳовлиси автомобиллар учун ёпиқ ва яшил ҳудуд бўлади. Болалар боғчаси, ўйин майдончаси, теннис корти, ерости автотураргоҳ ташкил этилади. Мажмуа ҳудуди тўлиқ Wi-Fi билан қамраб олинади ҳамда биноларда шовқинсиз лифтлар ўрнатилади.

Яна бир янгилик ҳамшаҳарларимиз ва пойтахт меҳмонларини хурсанд қилгани бор гап. Маълумки, Тошкент метрополитенини Тошкент трактор заводи даҳасигача олиб бориш режалаштирилган. Шунга мувофиқ, тайёрланган янги лойиҳага кўра, метрополитеннинг Чилонзор йўналиши Тошкент трактор заводи даҳасигача узайтирилади. Бу тармоқ 30 та маҳалла, 148 минг аҳолини қамраб олади.

Яна бир лойиҳага кўра, Бектемир туманида Чирчиқ дарёси яқинида кўп қаватли уйлар, савдо ва хизмат бинолари қуриш кўзда тутилган. Бунинг натижасида туманда урбанизация жадаллашиб, янги марказ пайдо бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев кеча пойтахтимизнинг Бектемир туманига ташрифи чоғида Ийкота маҳалласида бўлиб, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди. Бу ердаги 37 та кўп қаватли уй ва 1 400 та ҳовлида 6 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Мамлакатимизда маҳаллабай амалга оширилаётган манзилли ишлар Ийкотада ҳам ўз натижасини бермоқда. Янги кўп қаватли уйлар қурилган. Йўлаклар ва ички кўчалар таъмирланган. Майдончаларга гул ва майсалар экилган.

Ўтган йили уч қаватли маҳалла идораси фойдаланишга топширилган эди. Энди давлат бюджети ҳисобидан 358-умумтаълим мактаби қурилди. Мазкур билим маскани юртимизда таълим тизимига бўлаётган эътиборнинг ёрқин ифодаси десак муболаға бўлмайди. Қарийб минг ўринли мактабда фан хоналари, компьютер ва хорижий тил хоналари, робототехника тўгараги, лаборатория зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Кутубхона, спорт зали, футбол майдони ва ошхона болалар учун кенг қулайликлар яратилган.

Таъкидлаш керакки, маҳалладаги янги уйларнинг биринчи қаватларида иккита хусусий боғча ташкил этилган. Улар Наврўз арафасида очилгани ота-оналар учун байрамона туҳфа бўлди.

Юртимизнинг барча жойларида Наврўз айёми кўтаринки руҳда давом этаётган паллада Давлатимиз раҳбари Бектемир туманининг Роҳат маҳалласига ташриф буюриб, байрам сайлида қатнашди.

Маҳаллада кўчалар обод, хонадонлар саранжом-саришта. Таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт майдончалари, ўқув маркази, амфитеатр, ҳунармандлар ва ахборот-кутубхона марказлари фаолият юритмоқда. Ҳозир, айниқса, нуронийлар маскани гавжум. Роҳат маҳалласида умумтаълим мактаби, болалар мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” маркази, академик лицей фаолият юритмоқда. Яқинда янги мактабгача таълим ташкилоти қуриб битказилди. Булар ҳам ёшлар маърифатини оширишга хизмат қилади.

Ана шундай иншоотларнинг халқимиз ихтиёрига топширилиши, нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги бу каби бунёдкорлик ишлари бир бутун ҳолда мамлакатимиз ободлиги, халқимиз бадавлатлилиги тимсолига айланиб, жаҳон узра истиқлол замонида миллий тараққиёт бобида эришган улкан ютуқларимизни намоён этажакдир.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22-24 (875-877) 2025 йил 21 март

# Бўзатовга бу йилги НАВРЎЗ унутилмас лаҳзаларни тортиқ этди




**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Фарғона вилояти ҳокимлиги Бўзатов туманини ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўз ҳомийлигига олган. Шу йўналишда ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида бугунги кунда туманда кўплаб объектлар қад ростлаб, корхоналар ишга туширилди, тадбиркорлик субъектлари иш бошлашди ва янги иш ўринлари яратилди.**



Наврўз байрами арафасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Фарғона вилояти ҳокими Хайрулла Бозоров бошчилигидаги делегация аъзолари Бўзатов туманига ташриф буюришди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Фарҳод Эрманов ва соҳа вакиллари Бўзатов туманининг бир қатор ижтимоий соҳа объектларини кўздан кечиришди. Дастлаб, “Қусханатау” ОФЙ ҳудудидаги реконструкциядан чиқарилган 90 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси ҳамда замонавий кўринишда қайта таъмирланган 2- ва 5-сонли умумтаълим мактаблари фаолияти кўздан кечирилди. Шунингдек, делегация аъзолари мазкур мактабларда яқинда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳомийлигида қуриб битказилган янги спорт залида катта иштиёқ билан шуғулланаётган ёшлар билан учрашдилар.

– Фарғона вилояти ҳокимлигининг ҳомийлигида туманимиз қиёфаси бутунлай ўзгарди, – деди 2-сонли умумтаълим мактаби директори Сансызбай Сейтмуратов. – Айниқса, ёшларимиз орзусидаги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилиши ёшлар учун кутилмаган совға бўлди. Бу ерда кўплаб тўгараклар ташкил қилиниб, ёшлар учун янги имкониятлар яратилди. Бугун бизнинг туманда ҳам ҳақиқий шаҳар шамоли эсмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, делегация аъзолари “Бўзатов” ШФЙ ҳудудида жойлашган эски маданият уйи биноси ва чорва комплекси, иссиқхона ва текстил корхонасининг бугунги ҳолатини кўздан кечиришди. Тадбиркорлар ва қурувчиларга объектларни тез фурсатда фойдаланишга топшириш бўйича топшириқлар берилди. Ташриф давомида меҳмонлар Фарғона вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил қилинган узумзор фаолияти, “Бўзатов” ШФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилган Нуронийлар маскани, Оталар чойхонаси, Бўзатов тарихий музейи, Бўзатов маданият маркази бинолари учун ажратилган ер майдонлари билан ҳам танишдилар. Янги қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бунёдкорларга маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Булардан ташқари, делегация аъзолари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан ҳам учрашиб, уларга моддий ёрдам кўрсатишди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида ҳам қатнашиб, кўчатлар экишди.

Халқимизда “Давлатлининг икки кунаги бир келади” деганларидек, фарғоналикларнинг ташрифи давомида Бўзатов тумани “Эркиндарё” ОФЙ ҳудудидаги Макке овули аҳоли пунктида “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” шиори остида умумхалқ байрами ҳам ўтказилди.

Байрам тадбирида туман ҳокимлигининг масъул ходимлари, овул оқсоқоллари, депутатлар ва ҳудуд аҳолиси иштирок этиб, халқимизга энг яхши тилакларини билдиришди. Тадбир давомида миллий таомлар, кийимлар ва анжомлар кўргазмаси ҳам ташкил этилиб, мактабнинг педагог ходимлари ҳамда ўқувчилари томонидан халқимизга хос урф-одатлар намойиш этилди. Маданият ходимлари ва ёш истеъдодлар томонидан мамлакатимизда яшовчи турли халқларнинг қўшиқлари ва рақслари ижро этилгани эса иштирокчиларга ўзгача завқ бағишлади. Қолаверса, шу куни овулда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2024 йилги иккинчи мавсумида энг кўп овоз тўплаш орқали тақдим этилган маблағ эвазига қуриб битказилган яшил қопламали мини футбол майдончасининг фойдаланишга топширилгани овул аҳлига ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

Қувонарлиси, ўзаро ҳаморликда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари нафақат ҳудуд қиёфасига кўркамлик, балки Наврўз тантаналари ҳамда фаровонлик туфайли аҳолига ҳам кўтаринки кайфият бағишлади.

Эзгулик элчиси – Наврўзи оламнинг бу йилги ташрифини бўзатовликлар умрбод унутмаса керак.




# Инсоният маданиятининг ажралмас қисми

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Наврўз байрами – бу инсоният тарихидаги энг қадимий ва мазмунли байрамлардан биридир. Ўзининг маданий ва маънавий аҳамияти билан дунёнинг турли минтақаларида нишонланадиган ушбу байрам баҳорнинг кириб келишини, табиатнинг уйғонишини ва инсон қалбининг янгиланишини ифода этади. Келинг, Наврўзнинг тарихи, аҳамияти ва бугунги кунда нишонланишига чуқурроқ назар ташлайлик.**

Наврўзнинг тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Ушбу байрам қадимги Эрон ва Марказий Осиё халқлари орасида баҳорнинг илк куни сифатида кенг нишонланган. Зардуштийлик дини таъсирида Наврўз алоҳида аҳамият касб этган. Зардуштийлар янги йилнинг бошланишини Наврўз куни билан боғлаган ва уни қуёш тақвими асосида, 21 мартда, баҳорги тенгкунлик билан нишонлаганлар. Ушбу сана – қуёшнинг янги ҳаёт олиб келишини, ернинг ва табиатнинг жонланишини билдирган.

Манбаларда Наврўз атамаси Авесто ёзилган тилдан олинган бўлиб, “нава” – янги, “рәзаŋҳ” – кун, ёруғлик дегани. Бугунги форсчада “нав” янги, “рўз” кун, “янги кун” маъносини беради. Мазкур терминнинг илк ёзма манбаларда учраш тарихи милоддан аввалги II аср, яъни Парфия давлати ҳукм сурган даврларга тўғри келади. Аҳамонийлар даврида ҳам Наврўзга ўхшаш байрам нишонлангани тўғрисида археологик топилмалар орқали тахмин қилинган. Лекин Наврўз термини бирор ёзма манбада тилга олинмаган.

Наврўзнинг тарихий илдизлари борасида жуда кўплаб манбаларда маълумотлар учрайди. Хусусан, Авесто, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Табарийнинг “Тарихи Табарий”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Тафҳим”, “Қонуни Масъудий”, Масъудийнинг “Муруж аз-заҳаб”, Умар Хайёмнинг “Наврўзнома”, Муҳаммад Ҳусайн Бурҳоннинг “Форснома”, Ҳофизи Абрунинг “Зубдат-ат-таворих”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий”, “Хазойин ул-маоний” асарларида байрам ва унинг тарихига оид қайдлар мавжуд.

Наврўз шунингдек, маҳаллий эътиқодлар ва урф-одатлар билан бойиган. Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида бу байрам замонавий маданиятларга қадар етиб келган. Ҳар бир жамият Наврўзга ўзига хос ранглар ва қадриятлар қўшиб келган. Наврўз нафақат табиат билан уйғунликни акс эттиради, балки инсон руҳияти ва жамият учун ҳам чуқур маънога эга. Бу байрам одамлар ўртасидаги бирдамлик, меҳр-оқибат ва тинчликни улуғлайди. Шу куни одамлар ўзларининг шахсий ҳаётларидаги эски гиналардан воз кечишади, ўзаро алоқаларни яхшилашга интилишади. Наврўзнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – янгиланиш ва ҳаётни ижобий ўзгаришлар билан бойитишга интилишдир. Наврўзнинг иқтисодий ва маданий аҳамияти ҳам каттадир. Баҳор ишларини бошлаш, ерни ҳайдаш ва янги мавсумга тайёргарлик кўриш бу байрамнинг бир қисмидир. Шунингдек, Наврўз миллий мусиқалар, рақслар ва миллий таомлар орқали маданиятни бойитишда катта роль ўйнайди.

Бугунги кунда Наврўз бутун дунё бўйлаб кенг нишонланади. 2010 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Наврўзни “Халқаро Наврўз куни” деб эътироф этди. Бу байрамни нишонлаш нафақат Марказий Осиё, балки Туркия, Эрон, Афғонистон ва ҳатто бошқа қитъалардаги жамиятлар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Байрамдаги ритуаллар ва атрибутларнинг ҳудудлар миқёсида турлича эканлиги унинг маҳаллий шароитга мос ҳолатда шаклланганлиги билан изоҳланади. Лекин бу жараён 1926 йилга келиб Совет ҳукумати томонидан социалистик республикаларда тақиқланиши билан бироз сусайди, аммо пассив кўринишда бўлса ҳам оилавий давраларда ритуаллар амалга оширилиши тўхтагани йўқ. Сиёсий режим бироз юмшаши натижасида 1967 йили дастлаб Озарбойжонда оммавий Наврўз сайли уюштирилди. 1989 йил 26 февралда Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети Идеология комиссияси расман республика ҳудудида Наврўз байрамини тиклаш тўғрисидаги тарихий қарорни қабул қилди.

Ҳозирда Наврўз Яқин Шарқдан тортиб Хитойгача бўлган минтақада кенг тантана қилинади. Эрон, Ироқ, Туркия, Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон, Россиянинг туркий халқлар яшайдиган ҳудудларида, Болқон яриморолидаги давлатларда жами 300 миллион аҳоли Наврўзни нишонлайди. Наврўзнинг замонавий нишонланиши глобал аҳамият касб этиб, маданиятлараро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Байрам инсониятни бирлаштирувчи рамз сифатида тинчлик ва бирдамлик ғояларини тарғиб қилмоқда. Наврўз байрами ўзининг тарихи, аҳамияти ва бугунги кундаги нишонланиш усуллари билан инсоният маданиятининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. У миллий қадриятлар ва анъаналарни асраб-авайлаш учун муҳим бўлган байрамлардан биридир. Наврўз қадриятларини нишонлаш – бу ўз тарихимизга, табиатга ва жамиятга бўлган ҳурматимизнинг ифодасидир.

# Bayram tadbirlari ko‘tarinki ruhda o‘tmoqda





**Mirzo Ulug‘bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish universitetida Navro‘z bayrami keng nishonlandi. Tadbirda prorektorlar, professor-o‘qituvchilar va talaba-yoshlar ishtirok etdilar.**

Tadbirni ochib bergan universitet rektori Dr. Chidem Turkyilmaz Navro‘z bayrami milliy qadriyatlardan biri ekanini ta’kidlab, barchani ushbu ayyom bilan tabrikladi. Bayram doirasida talaba-yoshlar o‘rtasida sport musobaqalari tashkil etildi. Ular kurash, arqon tortish kabi milliy o‘yinlarda ishtirok etib, o‘z mahoratlarini sinab ko‘rdilar.

Shuningdek, universitet rahbariyati tashabbusi bilan talabalar turar joyida istiqomat qiluvchi talabalar uchun osh tayyorlandi. Doshqozonlarda osh damlanib, bayram munosabati bilan talaba-yoshlarga tarqatildi.

Namangan muhandislik-qurilish institutida ham “Qadriyatlaring boqiy bo‘lsin, Navro‘z!” shiori ostidagi bayram tadbiri katta tantana bilan nishonlandi. Tadbirni institut rektori Sharifjon Ergashev va Namangan davlat texnika universitet rektori v.v.b Muhammadjon Dadamirzayev ochib berdi. Ular jamoa va talabalarni bahoriy ayyom bilan qutlab, samimiy tilaklarini bildirishdi. Shuningdek, institut jamoasini O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasi viloyat bo‘limi rahbari Ziyovuddin Mansurov, shoira Ruqiya G‘oziyeva, O‘zbekiston yoshlar ittifoqi viloyat bo‘limi rahbari Bilolxon Umarov ham bayram bilan tabrikladi.

Bayram dasturi davomida “Yotoqxona malikasi”, “Alla festivali” “Eng yaxshi bahoriy dasturxon”, “Kelin salom” kabi tanlovlar tashkil etildi. Mehmonlardan iborat hakamlar hay’ati ishtirokchilarning chiqishlarini baholab borishdi. Tanlov g‘oliblari esdalik sovg‘lari bilan taqdirlandi.

**O‘z muxbirimiz.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22-24 (875-877) 2025 йил 21 март



# Наврўз оғушидаги Навоий

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Озод ва обод юртимизга Наврўзи олам кириб келди. Қалбларни қувончга тўлдириб, юраклардан эзгулик тошиб, меҳр-оқибат туйғулари гул очиб, Ватанимизга Наврўз келди. Халқимизнинг энг қадимий, узоқ асрлик миллий анъаналарига бой байрами Наврўзни, баҳорни ҳамма соғиниб кутади. Қалбларга ўзгача ҳаяжон, кўтаринки кайфият, завқ-шавқ меҳмон бўлади бу кун.**





Юртимизнинг барча гўшалари каби Навоий вилоятининг туман ва қишлоқларида ҳам айни кунларда байрам шукуҳи ҳукмрон. Йўллар ёқаси, бинолар пештоқи, хиёбонларда баҳор ва Наврўзни улуғловчи тасвирлару шиорларга кўзингиз тушади. Бугун ҳар бир қишлоқ, ҳар бир маҳалла, ҳар бир туман, шаҳар баҳор ва Наврўз оғушида. Халқимиз дастурхонининг янада тўкин бўлишини тилаб дуога қўл очган бободеҳқон шундай улуғ сайилларга етказганига шукрона айтади. Албатта, бугун ҳамманинг юзида қувонч, лабида табассум, мамнунлик. Бу ҳаммаси, албатта, юртимизнинг тинчлигидан.

Наврўз кириб келди. Бошқа байрамлар, фаслларга ўхшамасдан, қалбларни сурурга тўлдириб, бутун оламга улуғ айём ташриф буюрди. Она табиатни, дов-дарахтларни эмас, инсон қалбини, ундаги ҳис-туйғуларнинг нозик торини назокат билан чертиб, янги кун, янги бахт, янги имкониятлар, янги режалар кириб келди. Бутун борлиқ кўм-кўк нурларга беланиб, инсон шуурида эзгулик, савоб, яхшилик, меҳр-оқибат амаллари жўш урганда, дилларимизда ободлик даъвати уйғонганда, нафақат замин, балки осмон ҳам Наврўзга таъзим этганда, юрак ёна бошлайди.

Бойчечак – баҳор элчиси, тириклик тимсоли, замин туққан бахт. Уни титроқ қўлларига олганларнинг кўзларида севинч ёшлари қалқийди. Бойчечакни юзларига суртиб, Яратганга шукрона айтади улар. Бисотидаги энг яхши, энг қадрли, энг қиммат нарсасини бойчечак келтирган болага беришади. Баҳорга чиқиб олганлар, Наврўзга эсон-омон етганлар қалбида муҳаббат намоён бўлади. Бободеҳқон ўз қадрдон даласига отланади. Ҳаёт, яшаш ҳаракатлари бошланади.

Ўзбеклар қадим-қадимдан пешона тери эвазига ундирган ҳалол ризқ билан болаларини улғайтиради. Кўчат ўтқазади. Ота-ўғил-набира. Бири ер қазиса, бири ниҳолни тутади қўлларида, бошқаси сув қуяди. Авлодлар ҳамжиҳатлиги – Наврўз. Эртанги кун учун бирга ташланган баравар қадам — Наврўз. Эртасини ўйлаган, эртасидан умиди бор одам ерга уруғ қадайди. Ниҳол экади. Боламнинг боласини оғзи шу меваларга тегсин, деган инсон яхши ният билан боғ яратади.

Эрта баҳорданоқ бу хайрли тадбирлар яна бир муҳим ташаббус – “Яшил макон” лойиҳаси доирасида давом эттирилди. Бугун вилоят бўйлаб яшил майдонларни кенгайтириш мақсадида ҳудудларда кўкаламзорлаштириш ва дарахтзорлар барпо қилиш, “яшил инфратузилма”ларни яратиш жараёнлари давом этмоқда.

– Кўчат экиш бўйича долзарб 30 кунлик доирасида вилоят бўйича 9 миллионга яқин манзарали ва мевали дарахтлар, жумладан 3 миллион туп саксовул, 2 миллион туп мевали, 4 миллион туп манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди, – деди вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Зубайда Душанова. – Ҳар бир экилган кўчат бошқармамизнинг махсус платформасида қайд этилиб, жараёнлар эса рақамлаштирилади.

## ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Бугун вилоятнинг ҳар бир туманида “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” шиори остида байрам сайллари ўтказилмоқда.

**КАРМАНА**

Буюк Ипак йўли ўтган қадим Кармана аҳли ҳам яшариш ва яшнатиш айёми Наврўзи оламни катта шоду хуррамлик билан кутиб олди. 19 март куни тумандаги маданият марказида катта байрам сайли ва концерт дастурлари ўтказилди. Туман ҳокими Валижон Адизов йиғилганларни умумхалқ байрами билан қутлар экан, ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида батафсил тўхталиб, баҳор фаслида бундай хайрли ишлар янада кенг қулоч ёйишини таъкидлади. Ташаббускорлар ва аҳоли томонидан кам таъминланган оилалар учун баҳорий таомларга бой байрам дастурхони, миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат намуналари Наврўз сайлига янада файз бағишлади.



**НУРОТА**

Нуротада Наврўз ўзига хос нишонланади. Бу йилги байрамда ҳам ҳududдаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, корхона ва ташкилотлар томонидан миллий ҳунармандчилик, жумладан, ҳудудга хос каштачилик ва сангтарошлик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди. Дошқозонларда сумалаклар қайнади, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар учун хайрия оши дамланди. Туман ҳокими аҳолига йўллаган табригида Наврўз айёмининг тарихи ва фазилатлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Санъат жамоалари томонидан намойиш этилган концерт дастури эса барчага манзур бўлди. Якунда тантанани ташкил этишда фаоллик кўрсатган маҳалла фуқаролар йиғинларига туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**КОНИМЕХ**

Яшариш ва янгиланиш байрами – Наврўз Конимех туманида ҳам улкан хурсандчилик билан кутиб олинди. Туман марказидаги “Элбек” ўйингоҳига йиғилган минглаб конимехликлар юз-кўзида байрам шукуҳи, дориламон кунлар шукронаси акс этди. Туман ҳокими Руслан Рўзиев барчани янги кун билан қутлар экан, ҳудудда амалга оширилган ободончилик ва бунёдкорлик ишларида юрт ишқи билан яшаётган қалби қайноқ инсонларнинг фидокорона меҳнатини алоҳида эътироф этди. Шундан сўнг, тумандаги маданият уйи ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг она юрт, истиқлол, кўклам завқини мадҳ этувчи куй-қўшиқлари янгради.

– Бу йилги Наврўзни кўтаринки кайфиятда нишонлаяпмиз, – деди “Маҳалла” жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Самандар Рисқулов. – Ҳар бир маҳалла халқимизга хос урф-одатларни ўзида акс эттирган дастурлари билан иштирок этишди. Маҳаллалар ўртасида қўчқор уриштириш, арқон тортиш каби миллий ўйинлар мусобақалари бўлиб ўтди. Бу ёшларда ўзлигимизга бўлган ҳурматни мустаҳкамлаши, ўзаро тотувликка асос бўлиши билан аҳамиятли, албатта. Шунингдек, кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди.

**ТОМДИ**

Баҳорнинг эзгу айёмини олис томдиликлар ҳам ўзига хос тараддуд билан қаршилади. Дастлаб туманнинг “Шиели”, “Керегетау”, “Кериз”, “Сукетти”, “Ақтов” ва “Аяққудуқ” овул фуқаролар йиғинларида ўтказилган байрам тантаналарида байрамона безатилган кигиз уйлар тикилди, қозонларда миллий таомлар пиширилиб, меҳмонлар ва ҳудуд аҳолисига тортиқ этилди. 19-20 март кунлари эса маҳаллий тадбиркорлар ва саховатпеша инсонлар кўмагида барпо этилган ёзги тантаналар ўтказиш мажмуасида асосий байрам шодиёналари бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилда олиб борилган ободонлаштириш ва қурилиш ишлари натижаси ўлароқ, маскан қисқа фурсатда кўркам қиёфа касб этди. Юртдошларимизга бир олам хурсандчилик бағишлаган тантана муносабати билан ташкилот, муассаса ва ширкат хўжаликлари жамоалари ўртасида арқон тортиш, кураш ва бошқа турли миллий ўйинлар мусобақаси ўтказилди.

**ҚИЗИЛТЕПА**

Қизилтепа тумани аҳли ҳам қутлуғ айёмни муносиб равишда кутиб олди. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садоси туман аҳлини шодиёналар томон бошлади. Туман ҳокими Бекзод Бобмуродов туман аҳлининг сўнгги йилларда ижтимоий, иқтисодий ва қишлоқ хўжалигида эришган ютуқларини эътироф этар экан, заҳматкаш қизилтепаликлар бундан кейин ҳам жонкуярлиги билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

– Байрам муносабати билан тумандаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга совғалар тарқатилиб, уй-жойлари таъмирлаб берилди, – деди туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Алишер Умидов. – Бу халқимизга хос меҳр ифодасидир.

**ЗАРАФШОН**

Зарафшон шаҳрининг “Қизилқум” стадионида “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” шиори остида Сумалак сайли ўтказилди. Ушбу тадбирда Зарафшон шаҳар ҳокими Назирбек Раҳманов, барча ташкилот раҳбарлари, шаҳар аҳолиси ҳамда турли миллат ва элат вакиллари иштирок этишди. Жараёнда 13 та қозонда сумалак пиширилиб, миллий анъаналаримизнинг гўзал намунаси намойиш этилган ҳолда рамазон ойи муносабати билан ифторлик дастурхони ташкил этилди. Тадбир давомида ош фестивали ҳам ўтказилиб, унда 14 та қозонда ош тайёрланди. Сумалак сайлида Наврўз, баҳор ва миллий қадриятларимизни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар, ўлан-у лапарлар ижро этилди.

**НАВБАҲОР**

Навбаҳорликлар бу йилги Наврўз айёмини кўтаринки руҳда қарши олмоқда. Асосий байрам тантаналари туман марказий ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда ҳудудда фаолият юритаётган бадиий жамоалар иштирокида театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Туман марказида бошланган шодиёналар қишлоқлардаги Наврўз сайилларига уланиб кетди.

**ХАТИРЧИ**

Бу йилги эзгу айём Хатирчи туманида ҳар йилгидан ҳам ўзгача нишонланмоқда. Байрам олдидан анъанага кўра “Нуроний” ва “Маҳалла” жамоат фондлари туман бўлинмалари ташаббуси билан кексалар ҳамда ногиронларнинг ҳолидан хабар олинди, уларга байрам совғалари тарқатилди.

– Наврўз – азалий қадриятларимизни ўзида жамлаган улуғ байрам, – деди педагог Фарҳод Ҳамроев. – Бу улуғ айёмни мамлакатимизда кенг нишонлаш, байрам арафасида кўплаб эзгу ишларни амалга ошириш ҳар биримизга хурсандчилик бахш этади. Туманимизда ҳам турли миллий ўйинлар, урф-одатларимиз жонлантирилган томошалар бўлиб ўтмоқда.

Амир Темур номли маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган асосий тантанада туман ҳокими сўзга чиқиб, ҳудуд аҳолисини Наврўз байрами билан муборакбод этди. Бу йилги Наврўз юртимизга қут-барака, юртдошларимиз ҳаётига кўплаб муваффақиятлар олиб келиши таъкидланди.

Вилоятнинг асосий Наврўз сайли 20 март куни Навоий шаҳрида бўлиб ўтди. Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида эрта тонгдан бошланган тадбирларда тажрибали сценарист ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари биргаликда тайёрлаган юқори бадиий савиядаги саҳна кўринишлари намойиш этилди. Дастурларда халқимиз севган эстрада ва шоу бизнес вакилларидан иборат юлдузли тўпламнинг чиқишлари, халқимиз томонидан ардоқланиб куйлаб келинаётган мумтоз ашулалар, халқ бахшилари, фольклор-этнографик ансамбль жамоаларининг қадимий оҳанглари, ёш эстрада хонандалари ҳамда пойтахтдан келган санъаткорларнинг дилтортар наволари барчага хушнудлик бағишлади.

*Албатта, шу кунларда Наврўз тароватИ бутун юрт узра қалблардан қалбларга кўчиб юраверади. Юртимизга файзу барака тимсоли бўлиб хуш келибсан, Наврўзи олам!*

# Жанубда боқий қадриятларимиз тараннум этилди




**Термизда “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!”, деб номланган бош ғоя асосида умумхалқ сайли бўлиб ўтди.**

Президентимизнинг “2025 йилги “Наврўз” умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган сайилнинг асосий байрам тадбирлари Термиз шаҳридаги Санъат саройи хиёбонида ўтказилди.

Яшилликка бурканган хиёбонда Сурхондарё вилоятининг туман ва шаҳарларига, ташкилот ва муассасаларига ажратилган майдонларда ўтов уйлар ўрнатилиб, аждодларимиз ўтмишдан қалб қўрида асраб келган миллий қадриятларимизга мос безатилди. Миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмалари, фольклор жамоаларнинг қизиқарли дастурлари, хотин-қизларнинг алла ва лапар айтиш, ўсма ва хина қўйиш жараёнлари намойиш этилди. Вилоят мусиқали драма ва қўғирчоқ театрларининг концерт-томоша дастурларида ҳам миллий қадрият ҳамда урф-одатларимиз ўз ифодасини топди.

Дор ўйинлари, сумалак, тандир гўшт, чўпонча каби миллий таомлар тайёрлаш, “Арқон тортиш”, “Тош кўтариш”, “Армрестлинг”, “Елка кураши”, “Қараб теп” сингари этноспорт мусобақалари барчада илиқ таассурот уйғотди.

“Наврўз” умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимда вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов иштирокчиларни энг қадимий, энг гўзал ва энг нафис байрам билан табриклаб, юртимизга тинчлик, тўкинлик, хонадонларга файз, деҳқончиликка қут-барака тилади. Ўтган йилни сарҳисоб қилиб, жорий йилги режалар ҳақида атрофлича сўз юритди.

Ўтган йил вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришида воҳанинг етакчи тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 36,7 триллион сўмни ташкил этди. Янги йилда бу кўрсаткични 41,7 триллион сўмга етказиш мўлжалланмоқда. Якунланган йил вилоят ғаллакорлари мавжуд майдонлардан қарийб 248 минг тонна сара дон йиғиштириб олиб, гектарлар ҳосилдорлигини 76,5 центнерга етказган бўлса, жорий йилда ўртача ҳосилдорликни 86 центнерга етказишни кўзда тутмоқда. Шунингдек, мева-сабзавот, полиз ва бошқа экинлардан ҳам ўтган йилдагидан мўл ҳосил олиш учун баҳорги дала юмушлари қизғин бошлаб юборилди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган “Камбағалликдан фаровонлик” сари дастури доирасида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш янги босқичга олиб чиқилганини бутун дунё эътироф этмоқда, – деди вилоят ҳокими. – Ўтган йил вилоятда 11 мингдан ортиқ оилани камбағалликдан чиқариб, воҳанинг камбағаллик даражасини 7,9 фоизга туширдик. Бу йил 425 минг янги иш ўрни яратиш ҳамда 24 минг оилани камбағалликдан чиқариш орқали камбағаллик даражасини 4 фоизга туширишни мўлжаллаяпмиз.

Тантанали тадбир элимиз суйган санъаткорлар ва фольклор жамоаларининг концерт дастури билан якунланди.

Шу куни вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов воҳанинг байрам тадбирига келган Тожикистон Республикасининг Хатлон вилояти делегацияси ҳамроҳлигида Термиз шаҳрида барпо этилган “Ёшлар ва туризм” кўчаси билан танишди. Эски Термизнинг қадимий архитектураси асосида бунёд этилган “Боқий шаҳарча” туризм мажмуаси ва унинг ёнида қурилган мусиқали фавворанинг очилиш маросимида иштирок этди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Холмўмин Маматрайимов.

Шарқона йил боши, яшариш ва яшнатиш фаслининг бошланишига бағишланган байрам тадбирлари воҳанинг чекка, олис маҳалла ва қишлоқларида ҳам юқори савияда ўтказилмоқда.

·1928·

"O'ZSHAHARSOZLIK LITI"

**Jonajon yurtimizga shodligu quvonch olib kelgan**

# NAVRO'Z BAYRAMI

**bilan barcha yurtdoshlarimizni qutlaymiz.**

Har bir kunimiz yaxshi yangiliklarga boy bo'lsin!
Yurtimizdan tinchlik, xonadonlarimizdan totuvlik, hayotingizdan farovonlik arimasin!
Yurt ravnaqi va xalq farovonligi yo'lidagi ezgu ishlaringizda kuch-quvvat, ko'tarinki kayfiyat hamisha hamrohingiz bo'lsin!

**Bayram shukuhi yil davomida tark etmasin!**




O'ZGASHKLITI
Navro'z
bayramingiz
muborak bo'lsin!
O'zGASHKLITI


"EB ILYOSBEK
STROY HOUSE" MChJ
Ona tabiatning
ezgulik ayyomi –
Navro'z
bayrami bilan yurtimiz ahlini
muborakbod etamiz.
ONA VATANIMIZ TINCH,
HAYOTIMIZ DOIMO
FAROVON BO'LSIN!


Samarqanddagi
"TOLIB BOBO AKT" MChJ
20 yillik tajirbaga
ega jamoa
barcha yurtdoshlarimizni
Navro'zi
olam
bilan muborakbod etadi.
Har bir kuningiz ezgulikka,
umid va orzularga to'la bo'lsin!
Obod yurtimizning
musaffo osmonida
baxt quyoshi doimo
charaqlab tursin!


ANDIJON VILOYATI
Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspektsiyasi
Uyg'onish, yasharish, yangilanish ayyomi –
Navro'z
barcha yurtdoshlarimizga muborak bo'lsin!
Ko'klam nafasi ufurib turgan shu go'zal pallada ushbu qutlug' ayyomni nishonlayotgan xalqimizga tinchlik-omonlik tilaymiz.


JIZZAX VILOYATI
Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspektsiyasi
Ozod yurtimizning obod manzillarida azaliy ayyom –
NAVRO'Z
katta quvonch va xursandchilik bilan qarshi olayotgan O'zbekiston ahlini chin dildan tabriklaymiz!


1949
“QISHLOQQURILISHLOYIHA”
Navro‘z
bilan barchangizni qutlaymiz.
Ayni shu betakror va dilbar faslda barchamiz o‘zimizni yashargandek, vujudimizga yangi kuch-g‘ayrat, azmu shijoat kirgandek his etamiz.
Ushbu toza tuyg‘ular hech biringizni tark etmasin! Yurtimiz tinch, xonadonlarimiz hamisha fayzli bo‘lsin!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22-24 (875-877) 2025 йил 21 март







Navro‘z –
umumxalq bayrami
barchangizga qutlug‘ bo‘lsin!
Yurtimiz ravnaqi va xalqimiz farovonligi yo‘lida amalga
oshirayotgan ezgu ishlaringizda omad tilaymiz.
Vatanimiz yanada obod, xalqimiz doim omon bo‘lsin!
QASHQADARYO VILOYATI
Qurilish va uy-joy kommunal
xo‘jaligi sohasida hududiy
nazorat qilish inspektsiyasi


TOSHKENT SHAHAR
Qurilish va uy-joy
kommunal xo‘jaligi
sohasida hududiy
nazorat qilish
inspektsiyasi
Bahoriy ayyom –
Navro‘z
barchamizga
muborak bo‘lsin!
Ushbu ulug‘ ayyom har
bir xonadonga, butun
el-yurtimizga tinchlik-
xotirjamlik, baxtu saodat,
qut-baraka olib kelsin!
Yurtimiz tinch, osmonimiz
musaffo, aziz xalqimiz
omon bo‘lsin!


"SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI" DM
va uning hududiy boshqarmalari jamoalari
Necha yuz yillik an'ana va qadriyatlarimiz timsoli bo'lmish
Navro'z
bayrami bilan barcha yurtdoshlarimizni tabriklaymiz!
Necha asrlardan buyon ajdodlarimiz bu ulug' ayyomni qanday pok niyat va yorug' umidlar bilan kutib olgan bo'lsa, bugun ham xalqimiz mana shunday yuqori kayfiyat va shukuh bilan bugungi tantanaga peshvoz chiqmoqda.
Ushbu bayram har bir xonadonga, butun el-yurtimizga tinchlik-xotirjamlik, baxt-u saodat va qut-baraka olib kelsin!

# ҚУРИЛИШДА КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК

## *бўйича амалий ишлар*



**Сарвар БОБОНАЗАРОВ,**
Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

**Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мажлислар залида 2025 йилнинг 5 март куни давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ҳамда унда белгилаб берилган топшириқлар ижросига доир тадбир ташкил қилинди.**





Вилоят прокурори ўринбосари иштирокида ўтказилган йиғилишда Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси, ҳудудий назорат қилиш инспекцияси, вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ДУК, "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ва тегишли ташкилотлар ходимлари иштирок этишди.

Унда таъкидланишича, бугунги кунда юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аниқ тизим яратилиб, алоҳида қонунлар қабул қилинган. Коррупцияни таг-томири билан қуритиш учун аввало, инсон омили ва қоғозбозликни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, соҳадан келиб чиқадиган бўлсак, "Шаффоф қурилиш" платформаси жорий этилгач, тизимда очиқликни таъминлаш, коррупцияга йўл қўймаслик бўйича ижобий ўзгаришларга эришилди.

Шунингдек, йиғилишда қурилиш ва коммунал соҳани тўлиқ коррупциясиз соҳага айлантириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиллар, сабаблар ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш, мутахассисларнинг касбий кўникма ҳамда малакасини ошириш, соҳани рақамлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва бу борадаги ишларда прокуратура органлари билан самарали ҳамкорликни ривожлантириш кераклиги қайд этилди.

# Бугуннинг долзарб масаласи

**Бекжон ЖЎРАҚУЛОВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жорий йилнинг 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида коррупцияга қарши курашиш бўйича бўлиб ўтган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида коррупциянинг олдини олиш, ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.**

Мамлакатимизда илк бор бундай тарзда кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиши коррупцияга қарши кучли сиёсий иродани намоён этди. Президент томонидан 55 та йўналтирилган ташаббус илгари сурилиб, улар доирасида 5 та қонун, 12 та фармон ва қарорлар ишлаб чиқилиши белгилаб берилди. Коррупцияга қарши курашишда парламент, миллий ва ҳудудий кенгашлар, фуқаролик жамиятининг роли оширилиши таъкидланди. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича дахлдорликни шакллантириш мақсадида чоралар кўрилиши айтилди.

Дарҳақиқат, ушбу йиғилишда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Шаффоф қурилиш" платформасининг қамрови янада оширилиши ва халқаро ташкилотлар лойиҳаларига босқичма-босқич жорий этилиши ҳам алоҳида таъкидланди. Бу платформа орқали қурилиш соҳасида коррупциянинг олди олиниб, салмоқли ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, платформа орқали бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш, реконструкция қилиш, архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш каби давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Жиззах вилояти мисолида натижаларга тўхталадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарорига асосан, Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан 7 та йўналиш бўйича давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

– 2024 йилда вилоят бўйича жами 11 610 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 7 963 тасига ижобий рухсатнома берилган, – деди вилоят бош архитектори Дилшод Рашидов. – Шунингдек, 2 924 та ариза рад этилган, 707 та ариза фуқаролар томонидан бекор қилинган. 3 таси бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш йўналишида, шундан 2 та аризага ижобий рухсатнома берилиб, 1 та ариза рад этилган. 2302 таси бино ва иншоотларнинг ихтисослашишини ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш мазмунида келган. Шундан 1281 тасига ижобий рухсатнома берилиб, 917 та ариза рад этилган, 104 та ариза фуқаролар томонидан бекор қилинган. Қолган мурожаатлар архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, мулк бузилишга тушган ёки тушмаганлиги тўғрисида маълумотнома бериш каби йўналишларда йўлланган. Қолган аризаларнинг аксарияти шаҳарсозлик норма ва қоидаларига ҳамда ёнғин хавфсизлиги ва санитария норма қоидаларига жавоб бермаслиги, бош режада назарга тутилмаган ҳудудларда объектлар қурилиши кўзда тутилмаганлиги сабабли қайта кўриб чиқиш ва тегишли тартибда хулосалар олиш учун тегишли ташкилотларга юборилди.

Бир сўз билан айтганда, "Шаффоф қурилиш" платформаси каби инновацион ёндашувлар орқали соҳада шартномалар ва рухсатномалар бериш жараёнлари очиқ ҳамда шаффоф тарзда амалга оширилмоқда. Бу эса нафақат коррупциянинг олдини олиш, балки иқтисодий ривожланишга ҳам салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз.

# Чимбой янада чирой очмоқда

**Куандык ИЗБАГАМБЕТОВ,**
Чимбой тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи.



**Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йили катта ғайрат ва шижоат билан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари Чимбой туманини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Қурувчиларнинг меҳнатлари эвазига Чимбой янада чирой очмоқда.**

Дарҳақиқат, 2024 йилги давлат дастурлари асосида туманимиздаги 43 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган эди. Хусусан, Президентимизнинг "2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 404-сонли қарори асосида туман ҳудудидаги 4 та ижтимоий соҳа объектида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада 3 та мактаб ҳамда 1 та мактабгача таълим ташкилоти янгиланган қиёфада қайтадан қад ростлади. Замонавий ва барча шароитларга эга ушбу иншоотлар нафақат ҳудуднинг бугунги қиёфасига кўркамлик бахш этди, балки бу ерда яшовчи аҳоли ҳамда уларнинг фарзандларига ҳам улкан қувонч улашди.

Бундан ташқари, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида туман марказидан ўтувчи республика миқёсидаги 4П176 "Нукус-Тахтакўпир" автомобиль йўлининг 58-63 километр қисми реконструкция қилиняпти. Ҳозирда ушбу объектда қурилиш ишлари режа асосида жадаллик билан давом этмоқда. Шунингдек, ичимлик суви тармоқларини ўтказиш бўйича 3 та ҳудуд – "Тағжап" ҚФЙ кичик оқова сув олиш иншооти, "Қизил ўзак" ҚФЙ ҳудудидаги сув олиш иншооти, "Тағжап" ҚФЙ Санатория маҳалласидаги сув улашиш иншоотига жами 14 километр тармоқ тортиш ишлари якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қорақалоғистон Республикаси ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш, инновацион технологияларни татбиқ этиш ва инфратузилма билан таъминлаш даражасини янада яхшилаш орқали халқ фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, туман ҳудудидаги 33 километр тупроқ йўлларга 6 миллиард 888 миллион сўмлик қум-шағал аралашмасини ёйиш белгиланган. Бугунги кунда ушбу йўлнинг 31 километрдан ортиқ қисмида таъмирлаш ишлари якунланди. Қолган қисмида эса қурилиш ишлари давом этмоқда.

Бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланган халқнинг турар жойга бўлган талабини қондириш мақсадида туманимизда 2025 йилда 5 та 225 квартирали кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган. Ушбу уй-жойларни ўз вақтида ва сифатли топширилиши учун барча имкониятимизни ишга соламиз.

Зеро, бош мақсадимиз ҳам шу – аҳолини сифатли уй-жойлар билан таъминлашдир.

*Фармон ва ижро*

# УЙ-ЖОЙ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

## *мамлакатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади*

**Кайфият яхши бўлса креатив фикрлай оламиз, ишда ҳам унум бўлади. Одамда кўтаринки руҳни таъминлайдиган омиллар жуда кўп. Улардан энг асосийларидан бири – ватан ичра ватанли, ўз уйи бўлишдир.**



Бошпанали бўлиш инсонга хотиржамлик беради. Ижарада яшаш билан боғлиқ хавотирлар, ҳар ой ижара ҳақини тўлаш, уйдан чиқиб кетиш хавфи каби муаммолар бартараф этилади.

Шунингдек, уй-жой инсоннинг шахсий мулки бўлгани сабабли, унинг қиймати вақт ўтиши билан ортади. Бу омил эса иқтисодий барқарорликка эришиш имкониятини пайдо қилади. Мулк – инсон учун катта актив. Унинг қиймати ошиши ёки ижарага бериш имконияти одамга молиявий даромад манбаини яратади. Кўчмас мулкка эга бўлиш меҳнат қилишга ва даромадни оширишга бўлган иштиёқни кучайтиради.

Шахсий уйда оила аъзолари ўзларини барқарор ва хавфсиз ҳис қилади. Бола тарбияси, оилавий муносабатлар ва турмуш даражаси юқори бўлади.

Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда кўплаб уй-жойга эҳтиёжнинг ҳал этилиши мамлакатнинг барқарор ривожланишига умумий ҳисобда таъсир қилади.

Тижорат банкларининг ипотека кредитидан фойдаланиш уй-жойга талаби бор инсонга масаласини ҳал қилишнинг енгилроқ ечимларидан бири саналади. Бундай кўмак аҳолига узоқ муддатли молиявий режаларни тузиш имконини беради.

Кейинги беш йилда мамлакатимизда умумий майдони 21,7 миллион метр квадрат бўлган кўп квартирали уй-жойлар барпо этилди. Бу даврда аҳолининг уй-жой сотиб олишига кўмаклашиш учун 67 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилган. Ушбу мақсадларга давлат бюджетидан 44 триллион сўм йўналтирилгани эса муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир рақам, даромади юқори бўлмаган 64 минг нафардан ортиқ фуқарога 3,5 триллион сўмдан ортиқ субсидия маблағлари тўлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралда "Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Бу ҳужжат мамлакатимизда замонавий уй-жойлар қуриш кўламини ҳамда ипотека маҳсулотлари турларини кенгайтириб бориш, бу борадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Статистикага кўра, республикамизда кейинги йилларда аҳоли сони йилига қарийб саккиз юз минг нафарга, янги оилалар сони эса уч юз мингтага ортмоқда. Бу рақамлар мамлакатда уй-жойга бўлган талабни қондириш бўйича ишларни жадаллаштириш лозимлигини кўрсатади.

– Фармонга мувофиқ, жорий йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурининг асосий йўналишлари белгиланди, – деди Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бош мутахассиси Шаҳбоз Зокиров ЎзА мухбири Икром Аввалбоевга. – Дастурга кўра, республика ҳудудларида жами 135 минг квартирали уй-жойларни қуриш режалаштирилган. Шунингдек, ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сонини бир ярим бараварга ошириш кўзда тутилди. Бундан ташқари, уй-жой ва ипотека бозорини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун 20,9 триллион сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилади. Фармон ижроси доирасида ишлар бошлаб юборилган. Ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратиш юзасидан аризалар 3 мартдан қабул қилинмоқда. Бунинг учун фуқаролар ҳудудлардаги давлат хизматлари марказларига мурожаат қилмоқда. Шунингдек, ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил равишда ариза қолдираётганлар ҳам кўп.

Шунингдек, фармонда "Янги Ўзбекистон" ва бошқа массивларда кўп квартирали уй-жойларни барпо қилишда иштирок этадиган қурилиш ташкилотларини айланма маблағлар билан таъминлаш учун Давлат бюджетидан 700 миллиард сўм ҳамда тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан 3 триллион сўм миқдоридаги маблағларни йўналтириш назарда тутилди.

"Янги Ўзбекистон" массивлари учун янги ҳудудлар урбанизация тамойилларига мувофиқ бир қатор мезонларни инобатга олган ҳолда танланади. Бу тартиб ҳам 1 мартдан кучга кирди.

Замонавий шаҳарлар ривожланиши давомида уларда инфратузилманинг эскириши, аҳоли зичлигининг ошиб кетиши ва экологияга таъсир этувчи омиллар каби муаммолар юзага келади.

Реновация орқали эса шаҳарлар ва аҳоли пунктлари модернизация қилинади. Эскирган бино ва инфратузилмалар замонавий талабларга мослаштирилади. Ушбу жараён натижасида шаҳар муҳити яхшиланади, аҳолининг яшаш шароитлари ислоҳ қилинади.

Бу муҳим жиҳатлар инобатга олиниб, шу йилнинг 1 мартидан бошлаб реновация асосида кўп квартирали уй-жойларни барпо этишнинг тегишли тартиби жорий этилди.

Шаҳарсозлик реновациясида жамоатчилик фикри инобатга олиниши, барқарор ривожланиш тамойилларига риоя қилиш жуда муҳим.

Энди реновация лойиҳасини бошлашга барча мулкдорлар билан нотариал тасдиқланган келишув битими имзоланганидан сўнг рухсат берилади. Мулкдорларга, уларнинг хоҳишига кўра, тегишли тартибда кўрсатилган компенсация турларидан бири тақдим этилади.

Бузилаётган турар жой объектлари ўрнига уларнинг майдонидан кам бўлмаган реновация дастурига мувофиқ янги қуриладиган турар жойлардан яшаш учун тайёр ҳолдаги квартираларни мулк ҳуқуқи асосида бериш ҳамда қурилиш даврида кўчиш, шу жумладан, бошқа турар жой объектини вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ қоплаш назарда тутилди.

Мамлакатимиздаги кўп квартирали уй-жой фондининг қарийб қирқ фоизини икки-уч қаватли уйлар ташкил этади. Бу статистиканинг ўзи реновация жараёни нечоғлик муҳимлигини кўрсатади. Фармон билан ижтимоий соҳа объектлари ва яшил майдонларга эга замонавий уй-жойлар қуриш учун етарлича имкониятлар яратилади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22-24 (875-877) 2025 йил 21 март

# Zilzilaning zararini kamaytirish imkoni bor(mi?)




Sharafitdin YULDASHEV,
Namangan davlat texnika universiteti,
mexanika kafedrasi professori.

Akbarjon ABDUNAZAROV,
Qurilish muhandisligi kafedrasi
o'qituvchisi.





**Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 30-maydagi "O'zbekiston Respublikasining seysmik xavfsizligini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-144-son farmonida belgilangan vazifalarni amalga oshirish, ya'ni qurilish faoliyatidagi nuqsonlar yoki muammolarining oldini olish bo'yicha samarali yechimlarni ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etmoqda.**

Bu borada universitetimiz professor-o'qituvchilari tomonidan ko'plab ilmiy izlanishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, "Binolarni seysmik to'siq yordamida seysmik sirt to'lqinlaridan himoya qilish" mavzusida falsafa doktorini olish uchun qilinayotgan ilmiy tadqiqot ishi ham bugunning dolzarb ahamiyatga ega masalasiga bag'ishlangan. Qolaversa, talabalar Muhriddin Salohidinov va Sanjar O'roqovlar ham bitiruv malakaviy ishi doirasida "Sanoat chiqindilari yordamida avvaldan mavjud va yangi quriladigan binolarni seysmik sirt to'lqinlaridan himoya qilish" mavzusida ilmiy tadqiqotlar olib bormoqda.

Tadqiqot ishida mazkur masalani yechishning bir qator usullari tahlil qilingan. Ushbu maqolada binolarni zilziladan himoyalash bo'yicha ishlab chiqilgan ba'zi bir jarayonlar bilan tanishtiramiz. Masalan, tanlab olingan modelning uzunligi 200 metr, eni 100 metr va chuqurligi 50 metr. Bino 123 metr uzunlikda, eni 27 metr va balandligi 34,05 metr. Binoning yerto'la qismi esa 3 metr chuqurlikda joylashgan.




**1-rasm. Plaxis 3D dasturida modellashtirish va chekli elementlarga bo'lish jarayoni.**

Tadqiqot maydoni **37916** chekli element va **77473** tugunga bo'lingan. Chekli elementlarning shakli tartibsiz tetraedrlar sifatida tanlangan. Harakat differensial tenglamalari sistemasining tartibi **77473x3=232419** ni tashkil etdi (1-rasm). Masalani yechish uchun avval Namangan davlat texnika universiteti o'quv binosi (2-rasm) va bino perimetri bo'ylab poydevorni tashqi tomonidan seysmik himoya to'sig'i modellashtirildi (3-rasm).



**2-rasm. Seysmik to'siqsiz model.**



**3-rasm. Seysmik to'siqli model.**

Zilzila sodir bo'lganda tarqaladigan seysmik to'lqinlar dinamik yuk orqali yer yuzasiga ta'sir qiladi. Bu yerda $x$ o'qi bo'ylab Reley to'lqini harakatlanadi deb tasavvur qilamiz. Materialning fizik-mexanik xususiyatlarini hisobga olgan holda kuzatuv nuqtalaridagi ko'chish, tezlik va tezlanishlarini aniqlaymiz. Seysmik sirt to'lqinlari tarqalishi garmonik kuch orqali hosil qilindi. Garmonik kuchning fazasi 0, amplitudasi 1 va chastotasi 10 Hz, davomiyligi 5 sekund deb belgilandi.



**4-rasm. Binodagi kuzatuv nuqtalari.**

Binoga ta'sir etayotgan seysmik sirt to'lqinlarni aniqlash va taqqoslash uchun binodan jami 44 ta kuzatuv nuqtasi belgilab olindi (4-rasm). Binoga seysmik sirt to'lqinlar ta'sirini aniqlash uchun belgilab olingan kuzatuv nuqtalaridagi $u_z$ ko'chish, $v_z$ tezlik va $a_z$ tezlanishni qiymatlari qiyosiy taqqoslandi.




**5-rasm. 32-kuzatuv nuqtasidagi ko'chishni taqqoslash grafigi, mm.**

5-rasmda atrofida hech qanday to'siq joylashmagan modeldagi binoning 32-kuzatuv nuqtasida $z$ o'qi bo'yicha $v_z$ ko'chishning maksimal qiymati $u_{z\,max}$ = ***1,532 mm***, shina zarrali seysmik to'siq joylashganda $u_{z\,max}$ = ***1,22 mm*** tashkil etdi. Qiyosiy taqqoslanganda, atrofida hech qanday to'siq joylashmagan holga nisbatan shina zarrali to'siqda 20,37% ga teng bo'lgan seysmik to'siq samaradorligi qayd etildi.




**6-rasm. 32-kuzatuv nuqtasidagi tezlikni taqqoslash grafigi, sm/s.**

6-rasmda atrofida hech qanday to'siq joylashmagan modeldagi binoning 32-kuzatuv nuqtasida $z$ o'qi bo'yicha $v_z$ tezlikning maksimal qiymati $u_{z\,max}$ = ***7,051 sm/s***, shina zarrali seysmik to'siq joylashganda $u_{z\,max}$ = ***5,44 sm/s*** tashkil etdi. Qiyosiy taqqoslanganda, atrofida hech qanday to'siq joylashmagan holga nisbatan, shina zarrali to'siqda 22,84% ga teng bo'lgan seysmik to'siq samaradorligi qayd etildi.




**7-rasm. 32-kuzatuv nuqtasidagi tezlanishni taqqoslash grafigi.**

7-rasmda esa atrofida hech qanday to'siq joylashmagan modeldagi binoning 32-kuzatuv nuqtasida $z$ o'qi bo'yicha $a_z$ tezlanishning maksimal qiymati $a_{z\,max}$ = ***75,91 sm/s²***, shina zarrali seysmik to'siq joylashganda $a_{z\,max}$ = ***56,02 sm/s²*** tashkil etdi. Qiyosiy taqqoslanganda, atrofida hech qanday to'siq joylashmagan holga nisbatan, shina zarrali to'siqda 26,20% ga seysmik to'siq samaradorligi qayd etildi.

44 ta kuzatuv nuqtasida $z$ o'qi bo'yicha ko'chishning o'rtacha arifmetik qiymati $\bar{u}_z$ = ***1,777 mm*** ga teng bo'ldi va 6 ballik seysmik sirt to'lqinlar harakatiga to'g'ri keldi. Seysmik to'siq joylashtirilgan modelda $\bar{u}_z$ = ***1,44 mm*** ga teng bo'ldi va seysmik sirt to'lqinlarni harakati 6 balldan 5 ballga pasayashi aniqlandi. Seysmik to'siqlarni binoni himoyalashda samarali vosita sifatida qo'llash mumkinligi ko'rsatildi. Shina zarrali seysmik to'siq yordamida binodagi ko'chish 18,64% gacha kamaygani aniqlandi.

Bu usulni amalga oshirish orqali binoning seysmik xavfsizligini orttirish, zilzila paytida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan zararlarni kamaytirish mumkinligi isbotlandi. Natijalar O'zbekiston Respublikasining seysmik xavfsizligini ta'minlash choralari doirasida muhim ahamiyatga ega va binolar xavfsizligini oshirishda amaliy qo'llanilishi mumkin.

Bunday ilmiy ishlanmalar yosh tadqiqotchilarni ilm-fanga jalb qilish va zamonaviy innovatsion yechimlarni amaliyotga tatbiq etishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ustoz va shogird an'anasi asosida olib borilayotgan tadqiqotlar kelajakda yanada samarali ilmiy natijalarga zamin yaratishi shubhasiz. Ilmiy hamkorlik davom etar ekan, yangi texnologik yondashuvlar yordamida seysmik xavfsizlikni oshirish bo'yicha yanada takomillashgan usullar ishlab chiqilishi kutilmoqda.

# Рамазонга муносиб туҳфа

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Рамазон ойи арафасида Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги Нурафшон шаҳарчасида замонавий талабларга жавоб берадиган, барча қулайликларга эга бўлган 4 000 нафар намозхонга мўлжалланган Дарвеш бобо жомеъ масжиди фойдаланишга топширилди.**



Янгитдан бунёд этилган масжиднинг очилиш маросимида жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, туман аҳолисини янги иншоот билан табрикладилар. Масжид ҳудудида замонавий таҳоратхона, имом-хатиб ва бошқа ходимлар учун барча қулайликларга эга маъмурий бино ҳамда кутубхона ҳам мавжуд.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2025 йил март ойининг 21-24 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти етакчи мутахассиси **Ҳусниддин Шодиев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳайдовчиси **Сарвар Азизов,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ бухгалтерия бош мутахассиси **Раҳим Худойбердиев,**

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" Давлат харидларини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Илёс Лутфиллаев,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ техниги **Лазиз Пирматов,**

"Ташгипрогор" АЖ етакчи иқтисодчиси **Мамлакат Марипова,**

"Qo'qon Loyiha Qurilish" МЧЖ муҳандис-конструктори **Шерзодбек Эсоналиев,**

"Ўзоғирсаноатлойиҳа" АЖ ООРТР бошлиғи **Иван Подпорин,** ОВ етакчи муҳандиси **Дилуфар Абдураҳманова,** муҳандис **Вячеслав Окороков,** ООПР бошлиқ ўринбосари **Вафобек Тошбаев,**

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Файзулла Фатхуллаев,** бош бухгалтер **Мамашариф Равшанов,** "Қашқадарё" филиали муҳандиси **Ойбек Олимов,**

Андижон вилояти Асака тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жасурбек Набижонов,** Қўрғонтепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимининг уй-жой коммунал хўжалиги бўйича етакчи мутахассиси **Иброҳим Тулянов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори **Муроджон Умарқулов,** бош мутахассис **Наврўз Ходжиев,** қоровул **Жўрабек Кўзиев,**

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Наврўзбек Алиқулов,**

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси кассири **Дилфуза Абдукаримова,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Наврўзбек Маҳмудов,**

Фарғона вилояти "Иссиқлик манбаи" ИЧБ бошлиғи **Иброҳимжон Сотволдиев,**

Тошкент шаҳар "VEOLIA ENERGY TASHKENT" ХК МЧЖ Молия ишлари бўйича директори **Севара Пардаева,**

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги "To'rtko'l Kom Stroy" БСК МЧЖ бош директори **Холида Балтаева,**

Бухоро вилояти Жондор туманидаги "Сардорбек Шаҳзод БСК сервис" МЧЖ бош директори **Сардор Амонов,**

Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги "Zafarobod Maxsus Kommunal Servis" БСК МЧЖ бош директори **Наврўз Ўралов,**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Ҳаво Йўллари" БСК МЧЖ бош директори **Мақсуда Ҳазратқулова,**

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Файз Азизбек-БСК" МЧЖ бош директори **Гуля Якубова,**

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги "AGMM KIMYO" БСК МЧЖ бош директори **Гўзал Сатимова,** Юнусобод туманидаги "Кумуш булоқ" БСК МЧЖ бош директори **Бахтиёр Мирзахожаев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# Правительство Республика Узбекистан

**получила кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию Проекта “Развития Сельской Инфраструктуры” и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-изыскательных работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:**

| № | Наименование объекта | Номер контракта | Стартовая стоимость работ (сум без НДС) | Срок выполнения работ (календарных дней) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Улучшение электроснабжения МСГ “Фаровон” Улугнарского района, МСГ “Якка тол” и МСГ “Янги кишлок” Бустанского района Андижанской области | MOEI-RIDP-AND-CS-128 | 38 955 800 | 35 |

## Инжиниринговая компания СЕЗ Андижанского областного хокимията (далее именуемый “Заказчик”)

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательных работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 375 000 сум.

**Технические и финансовые предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по следующему адресу:** г. Андижан, ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 103) не позднее 16.00, 5 апреля 2025 года.

**Подача предложений:**

a. Заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации

b. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

c. Крайний срок подачи заявок - **05.04.2025 года, 16:00**.

d. **Организация для подачи заявок:** Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства.

**Адрес:** г. Андижан, ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет 103).

**Адрес электронной почты:** andijon.tender@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Топволдиев.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается Участнику торгов нераспечатанным.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

## бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Савдога “LOMBARD ASAT–KREDIT” МЧЖнинг 2025 йил 17 мартдаги 16-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 13 август, 16 октябрь ва 2025 йил 23 январдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 42-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлар номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 7085 | Браслет 1 шт., о.в. 6,41 гр., ч.в. 6,41 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,27 гр., ч.в. 2,27 гр., 585 пр. | 4 844 058,74 |
| 2. | 993 | Кольцо 1 шт., о.в. 18,04 гр., ч.в. 15,04 гр., 585 пр. | 9 865 520,89 |
| 3. | 1096 | Серьги 1 пара, о.в. 2,86 гр., ч.в. 2,26 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,44 гр., ч.в. 1,14 гр., 585 пр. | 2 302 358,74 |
| 4. | 1098 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,82 гр., ч.в. 2,82 гр., 585 пр. | 1 923 608,74 |
| 5. | 1142 | Цепь 1 шт., о.в. 3,34 гр., ч.в. 3,34 гр., 585 пр. | 2 075 108,74 |
| 6. | 1209 | Серьги 1 пара, о.в. 4,45 гр., ч.в. 4,45 гр., 585 пр.; кулон 1 шт., о.в. 1,94 гр., ч.в. 1,74 гр., 585 пр.; цепь 1 шт. с подвеской, о.в. 1,81 гр., ч.в. 1,81 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 4,18 гр., ч.в. 4,18 гр., 585 пр. | 8 059 358,74 |
| 7. | 1410 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,73 гр., ч.в. 3,73 гр., 585 пр. | 2 529 608,74 |
| 8. | 1415 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,78 гр., ч.в. 3,08 гр., 585 пр. | 2 075 108,74 |
| 9. | 1429 | Серьги 1 пара, о.в. 3,30 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,34 гр., ч.в. 2,34 гр., 585 пр. | 3 452 696,22 |
| 10. | 1486 | Серьги 1 пара, о.в. 8,63 гр., ч.в. 8,63 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 7,44 гр., ч.в. 7,44 гр., 585 пр. | 10 559 108,74 |
| 11. | 1497 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,42 гр., ч.в. 3,42 гр., 585 пр. | 2 302 358,74 |
| 12. | 1524 | Серьги 1 пара, о.в. 5,98 гр., ч.в. 3,38 гр., 585 пр. | 1 620 608,74 |
| 13. | 1533 | Цепь с подвеской 1 шт., о.в. 2,23 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 1 319 564,10 |
| 14. | 1543 | Серьги 1 пара, о.в. 1,24 гр., ч.в. 1,24 гр., 585 пр.; цепь с кулон 1 шт., о.в. 1,88 гр., ч.в. 1,48 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 3,97 гр., ч.в. 3,57 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,92 гр., ч.в. 1,92 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 1,93 гр., ч.в. 1,93 гр., 585 пр. | 6 468 608,74 |
| 15. | 1544 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,50 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 2,09 гр., ч.в. 2,09 гр., 585 пр. | 3 059 858,74 |
| 16. | 1578 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,37 гр., ч.в. 3,37 гр., 585 пр. | 2 302 358,74 |
| 17. | 1589 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,79 гр., ч.в. 2,79 гр., 585 пр. | 1 923 608,74 |
| 18. | 1591 | Серьги 1 пара, о.в. 2,64 гр., ч.в. 1,94 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 4,20 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр. | 3 590 108,74 |
| 19. | 1600 | Браслет 1 шт., о.в. 1,79 гр., ч.в. 1,79 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 7,27 гр., ч.в. 7,27 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 5,44 гр., ч.в. 3,64 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 6,66 гр., ч.в. 4,86 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 4,84 гр., ч.в. 3,54 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,47 гр., ч.в. 1,97 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,20 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,27 гр., ч.в. 2,77 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,76 гр., ч.в. 2,86 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 4,08 гр., ч.в. 4,08 гр., 585 пр. | 22 982 108,74 |
| 20. | 1730 | Серьга 1 шт., о.в. 0,90 гр., ч.в. 0,77 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,64 гр., ч.в. 1,64 гр., 585 пр. | 1 650 908,74 |
| 21. | 1754 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,43 гр., ч.в. 2,43 гр., 585 пр. | 1 435 172,74 |
| 22. | 1760 | Серьги 1 пара, о.в. 5,19 гр., ч.в. 4,59 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 5,79 гр., ч.в. 5,79 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 10,64 гр., ч.в. 10,64 гр., 585 пр. | 11 543 858,74 |
| 23. | 1777 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,89 гр., ч.в. 1,49 гр., 585 пр. | 1 090 358,74 |
| 24. | 1780 | Браслет 1 шт., о.в. 3,19 гр., ч.в. 3,19 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,54 гр., ч.в. 2,54 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,27 гр., ч.в. 1,17 гр., 585 пр. | 4 245 194,74 |
| 25. | 1814 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,09 гр., ч.в. 3,09 гр., 585 пр. | 2 105 408,74 |
| 26. | 1816 | Серьги 1 пара, о.в. 7,15 гр., ч.в. 4,35 гр., 585 пр. | 2 526 023,24 |
| 27. | 1823 | Кольцо 1 шт., о.в. 0,84 гр., ч.в. 0,84 гр., 375 пр.; серьги 1 пара, о.в. 0,71 гр., ч.в. 0,71 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 1,75 гр., ч.в. 1,75 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 7,03 гр., ч.в. 7,03 гр., 585 пр. | 5 302 907,14 |
| 28. | 1928 | Кольцо 1 шт., о.в. 8,96 гр., ч.в. 7,96 гр., 750 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 4,29 гр., ч.в. 3,89 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,98 гр., ч.в. 2,68 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,84 гр., ч.в. 2,54 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 5,25 гр., ч.в. 4,45 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 4,73 гр., ч.в. 4,13 гр., 585 пр.; кулон 1 шт., о.в. 4,54 гр., ч.в. 4,14 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 8,44 гр., ч.в. 8,44 гр., 585 пр. | 25 860 608,74 |
| 29. | 1940 | Колье 1 шт., о.в. 24.30 гр., ч.в. 24,30 гр., 585 пр. | 15 191 707,05 |
| 30. | 1973 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,32 гр., ч.в. 2,92 гр., 585 пр. | 1 893 308,74 |
| 31. | 2008 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,26 гр., ч.в. 4,86 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,55 гр., ч.в. 3,25 гр., 585 пр. | 5 390 938,74 |
| 32. | 2061 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,97 гр., ч.в. 2,57 гр., 585/500 пр. | 1 772 108,74 |
| 33. | 2153 | Браслет 1 шт., о.в. 22,93 гр., ч.в. 22,53 гр., 585 пр. | 14 725 358,74 |
| 34. | 2175 | Браслет 1 шт., о.в. 13,37 гр., ч.в. 13,37 гр., 585 пр. | 8 816 858,74 |
| 35. | 2176 | Браслет 1 шт., о.в. 6,76 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 3 362 858,74 |
| 36. | 2199 | Цепь 1 шт., о.в. 8,96 гр., ч.в. 8,96 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 10,00 гр., ч.в. 10,00 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 4,37 гр., ч.в. 3,87 гр., 585 пр. | 14 952 608,74 |
| 37. | 2208 | Серьги 1 пара, о.в. 2,21 гр., ч.в. 2,21 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,97 гр., ч.в. 1,77 гр., 585 пр. | 2 132 072,74 |
| 38. | 2286 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,50 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр. | 2 126 780,34 |
| 39. | 2299 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,63 гр., ч.в. 1,63 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,04 гр., ч.в. 3,04 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,91 гр., ч.в. 2,91 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,53 гр., ч.в. 1,53 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,38 гр., ч.в. 2,38 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 2,92 гр., ч.в. 2,92 гр., 585 пр. | 10 710 608,75 |
| 40. | 2300 | Кольцо 1 шт., о.в. 6,68 гр., ч.в. 6,68 гр., 585 пр. | 3 873 918,74 |
| 41. | 2343 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,01 гр., ч.в. 1,41 гр., 585 пр.; цепь 1 шт., о.в. 9,75 гр., ч.в. 9,75 гр., 585 пр. | 6 013 098,74 |
| 42. | 2457 | Серьги 1 пара, о.в. 2,47 гр., ч.в. 2,47 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,88 гр., ч.в. 1,88 гр., 585 пр. | 2 529 608,74 |
| 43. | 2460 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,06 гр., ч.в. 3,06 гр., 585 пр. | 2 378 108,74 |
| 44. | 2478 | Серьги 1 пара, о.в. 1,31 гр., ч.в. 0,91 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 3,27 гр., ч.в. 3,27 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 1,88 гр., ч.в. 1,88 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,18 гр., ч.в. 1,78 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,66 гр., ч.в. 3,36 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,97 гр., ч.в. 2,67 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,71 гр., ч.в. 2,71 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,89 гр., ч.в. 2,89 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,15 гр., ч.в. 3,15 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,59 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,59 гр., 585 пр. | 19 740 008,74 |
| 45. | 2636 | Серьги 1 пара, о.в. 3,39 гр., ч.в. 3,39 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 4,48 гр., ч.в. 4,48 гр., 585 пр. | 5 862 608,74 |
| 46. | 2724 | Кольцо 1 шт., о.в. 6,96 гр., ч.в. 6,96 гр., 875 пр.; серьги 1 пара, о.в. 9,24 гр., ч.в. 9,24 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 5,23 гр., ч.в. 5,23 гр., 585 пр. | 18 285 608,75 |
| 47. | 2767 | Серьги 1 пара, о.в. 3,09 гр., ч.в. 2,69 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,55 гр., ч.в. 1,35 гр., 585 пр. | 3 059 858,74 |
| 48. | 2863 | Серьги 1 пара, о.в. 5,49 гр., ч.в. 4,49 гр., 585 пр. | 2 180 249,74 |
| 49. | 2893 | Серьги 1 пара, о.в. 4,20 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр.; цепь с подвеской 1 шт., о.в. 4,05 гр., ч.в. 3,75 гр., 585 пр.; булавка 1 шт., о.в. 1,06 гр., ч.в. 0,76 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,31 гр., ч.в. 1,11 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,55 гр., 585 пр. | 8 362 358,74 |
| 50. | 2935 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,86 гр., ч.в. 3,86 гр., 585 пр. | 2 923 508,74 |
| 51. | 3006 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,28 гр., ч.в. 2,68 гр., 585 пр. | 2 075 108,74 |
| 52. | 3027 | Браслет 1 шт., о.в. 5,76 гр., ч.в. 5,76 гр., 585 пр. | 4 047 032,74 |
| 53. | 3095 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,28 гр., ч.в. 2,88 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 4,11 гр., ч.в. 4,11 гр., 585 пр. | 5 256 608,74 |
| 54. | 3115 | Цепь с кулоном 1 шт., о.в. 10,09 гр., ч.в. 9,89 гр., 585 пр. | 7 226 108,74 |
| 55. | 3153 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,96 гр., ч.в. 3,96 гр., 585 пр. | 3 014 408,74 |
| 56. | 3184 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,18 гр., ч.в. 1,68 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,43 гр., ч.в. 2,13 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,56 гр., ч.в. 2,36 гр., 585 пр. | 4 436 690,75 |
| 57. | 3199 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,20 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,75 гр., ч.в. 3,45 гр., 585 пр. | 3 893 108,74 |
| 58. | 3259 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,14 гр., ч.в. 4,84 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,93 гр., ч.в. 3,63 гр., 585 пр. | 5 635 358,74 |
| 59. | 3262 | Серьги 1 пара, о.в. 4,93 гр., ч.в. 4,63 гр., 585 пр. | 3 461 333,74 |
| 60. | 3265 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,73 гр., ч.в. 3,00 гр., 750 пр. | 2 832 608,74 |
| 61. | 3292 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,50 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. | 1 620 608,74 |
| 62. | 3324 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,11 гр., ч.в. 2,81 гр., 500 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,20 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр. | 2 529 608,74 |
| 63. | 3350 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,02 гр., ч.в. 2,02 гр., 585 пр. | 1 620 608,74 |
| 64. | 3372 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,35 гр., ч.в. 5,35 гр., 585 пр. | 4 044 608,74 |
| 65. | 3407 | Серьги 1 пара, о.в. 5,23 гр., ч.в. 5,23 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 3,62 гр., ч.в. 3,62 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,80 гр., 585 пр. | 7 942 915,84 |
| 66. | 3432 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,31 гр., ч.в. 3,91 гр., 585 пр. | 2 868 968,74 |
| 67. | 3472 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,81 гр., ч.в. 1,81 гр., 585 пр. | 1 431 233,74 |
| 68. | 3501 | Цепь 1 шт., о.в. 6,94 гр., ч.в. 6,94 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 5,85 гр., ч.в. 5,05 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,93 гр., ч.в. 2,53 гр., 585 пр. | 10 057 219,54 |
| 69. | 3542 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,92 гр., ч.в. 1,92 гр., 585 пр. | 1 374 710,10 |
| 70. | 3690 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,73 гр., ч.в. 1,23 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 1,99 гр., ч.в. 1,79 гр., 585 пр. | 2 077 128,75 |
| 71. | 3730 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,93 гр., ч.в. 5,93 гр., 585 пр. | 3 741 608,74 |
| 72. | 3737 | Серьги 1 пара, о.в. 2,87 гр., ч.в. 2,37 гр., 585 пр. | 1 806 044,74 |
| 73. | 3773 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,90 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 4,44 гр., ч.в. 4,44 гр., 585 пр. | 4 650 608,74 |
| 74. | 3789 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,46 гр., ч.в. 3,06 гр., 585 пр. | 2 378 108,74 |
| 75. | 3824 | Цепь 1 шт., о.в. 7,55 гр., ч.в. 7,55 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,02 гр., ч.в. 2,02 гр., 585 пр. | 6 847 358,74 |
| 76. | 3866 | Серьги 1 пара, о.в. 15,45 гр., ч.в. 5,45 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 6,37 гр., ч.в. 5,97 гр., 585 пр. | 7 715 958,74 |
| 77. | 3951 | Серьги 1 пара, о.в. 1,64 гр., ч.в. 1,44 гр., 585 пр. | 1 156 210,74 |
| 78. | 4035 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,50 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,20 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 2,43 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 4,65 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 1,40 гр., ч.в. 1,20 гр., 585 пр. | 7 983 608,75 |
| 79. | 4057 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,15 гр., ч.в. 2,85 гр., 585 пр.; кольцо 1шт о.в. 2,94 гр., ч.в. 2,54 гр., 585 пр. | 4 044 608,74 |
| 80. | 4058 | Цепь 1 шт., с кулоном о.в. 10,30 гр., ч.в. 10,30 гр., 585 пр.; браслет 1 шт., о.в. 4,90 гр., ч.в. 4,90 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,01 гр., ч.в. 2,01 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,32 гр., ч.в. 3,32 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,25 гр., ч.в. 2,25 гр., 585 пр. | 18 528 008,75 |
| 81. | 4061 | Браслет 1 шт., о.в. 8,85 гр., ч.в. 8,85 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 3,63 гр., ч.в. 3,63 гр., 585 пр. | 8 377 508,74 |
| 82. | 4102 | Серьги 1 пара, о.в. 3,27 гр., ч.в. 3,07 гр., 585 пр. | 2 378 108,74 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **452 354 032,80** |

Аукцион савдолар **2025 йил 6 май** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2025 йил 2 май куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2025 йил 5 май** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 20 май, 3 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22-24 (875-877) 2025 йил 21 март



# Эслашга арзигулик хотира

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қизим билан бозор айланиб юрарканмиз, расталардаги катта-катта идишларда товланиб турган сумалаклар эътиборимни тортди. Илик узилди пайтида одам организмига бу таом қанчалик фойдали эканлигини билганим учун битта идишда сотиб оларканман, қизим ҳайрат билан сўради:**
**– Чокотеллами бу?**
**– Йўқ, бу сумалак, фаришталар таоми... Чокотелладан минг марта фойдалироқ.**

Бижилдоқ қизим саволларни ёғдиришни бошлади: "Бу нимадан тайёрланган?", "Ким пиширган?", "Нимада пиширган?", "Нега фаришталар таоми дейилади?". Эҳ, бугуннинг болалари, дейман ичимда. Бу бечоралар ҳатто сумалакни ҳам тайёр ҳолда кўргани учун у ҳақда ҳеч нарса билишмайди. Аслида, бу ҳақда билмаслик уларнинг айби эмасдир, замона зайлидир, ким билсин? Ҳозир қишлоқларни айтмаса, шаҳарликлар "дом"да сумалак деярли пиширишмайди. Булар қаердан ҳам билсин, ахир, бозору дўконларда қадоқланган идишлар тўла сумалак бўлса.

Болалик хотираларим орасида сумалак пишириш жараёни энг эсда қоларли ва гўзал воқеаларга бойлиги билан ажралиб туради. Эсимда, ҳали ердан қор кетиб улгурмаган февралнинг сўнгги кунлариданоқ қишлоқнинг кайвони онахонлари ғимирлаб қолишарди. Кичик машваратдан кейин кимнинг буғдой ундиришию кимнинг ҳовлисида сумалак пиширилиши аниқ бўларди.

Буғдой ундириш жараёнининг ўзи ҳам алоҳида бир мавзу. Бу иш ниҳоятда масъулиятли бўлгани боис, қалби тоза, пок ниятли ва саришта аёлга ишониб топшириларди. Тоза ва ҳеч ким кирмайдиган қоронғи хонага хонтахта устига махсус мато ёзилиб, устига қайта-қайта ювилиб покланган буғдой уруғлари бир текис тахланади. Унга ҳар куни бир маҳал сув қуйиб туриладди. Пиширилажак таомнинг қанчалик тотли бўлиши бир текисда ўсган майсаларга бевосита боғлиқ. Тажрибали онахонлар буни яхши билишади, майса атиги бир сантиметр бўлса ҳам ортиқча ўсиб кетса, сумалак таъми тахир бўлиб қолиши мумкин. Шу боис, бу иш ҳар кимга ҳам топширилавермайди.

Майсалар ниш уриб, етилган пайтда сумалак пиширишга киришилди. Ана энди, ўша куни қишлоқ болаларининг куни туғади. Қозон-ўчоқ атрофида ўралашиб, хотин-халажга ҳалал беришсада, уларнинг шўхликлари ўша куни ҳеч кимни ранжитмайди. Кимдир сув келтирса, кимдир янчилган буғдойни сувда ивитиш билан машғул, бошқаси ўтин ёриб олов ёқса, қолгани ошга уннаган. Бошқа бир гуруҳ аёллар эса ун элаб, ёғ қиздиради. Сумалак пишириш жараёнида энг қийин паллалардан бири ҳам аслида шу, масаллиқни қозонга солиш ҳисобланади. Бир қайнаб чиққач, қолгани ўйин-кулгуга уланиб кетади.

Биз қизалоқлар чиройли шаклли тошларни атайлаб дарё соҳилидан териб келардик. Тозалаб ювиб, ҳар бир тошга биттадан тилак айтиб, қозонга ташлаганларимиз, сумалак пишгач, кимга тош чиқса, ўшанинг тилаги амалга ошадигандек қувонганларимизни эсласам ҳозир ҳам ҳаяжонланиб кетаман. Кечки пайт оловнинг тафтида қизарган юзлар, ўйин-кулгу, ўчоқда пишган ош ва бўғирсоғу чалпаклар, кўк сомса ва чучваралар таъмини ҳозиргача унутганим йўқ.

Туннинг алла пайтигача ўйин-кулгу қилиб чарчаган хотин-халажнинг кўпчилиги уйқуга кетса, қолганлари қизиқарли суҳбатга киришарди. Тонготарга қадар сумалак ковлаб чиққан бўлишсада, уларда чарчоқ аломатларини кўрмайсиз. Аллоҳнинг ўзи уларга куч-қувват ато этгандек гўё. Мен ҳам эсимни таниганимдан кейин бундай тонготар суҳбатларни неча марталаб тинглашга муваффақ бўлганман. Ҳар галги сумалак пишириш маросимидан ўзимга янгидан янги таассуротлар олардим.

Маросимнинг кулминацион нуқтаси – бир сутка давомида қайнаб, тиндириб қўйилган сумалакани сузиш жараёни ҳисобланади. Қозон қопқоғи очилган пайтда "Сумалак юзида қандай тасвир кўринаркан?" дея интиқ нигоҳларда акс этган ажиб ҳайрат менга ҳар гал чексиз завқ бағишларди.

Эҳ, бизнику эслашга арзигулик болалик хотираларимиз бор. Аммо фарзандларимизчи, эртага улғайганда телефонда кўрган видеолари ёки мультфильмларини эслаб юришадими? Ё бўлмаса, уларнинг сумалак билан чокотеллани фарқига бормаслигини ўйласам ҳозирдан хавотирга тушяпман...

Юртимизга яна Наврўз келди. Она диёримиз фусункор тароват ила безанмоқда. Халқимиз катта сайил тадоригини кўрмоқда. Одам боласи борки, бундай шукуҳли дамларда табиатдан баҳра олишни, қалбидаги энг эзгу туйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқаришни истайди, ҳаётга, ота-онаси, яқинлари, дўсту биродарларига бўлган меҳру муҳаббатини очиқ-ошкора изҳор этгиси келади.

Наврўз – баҳор ва уйғониш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир. Табиат яшарар ва яшнар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Наврўз одамзод билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги умид ва орзулар бахш этади.

Айтганча, гарчи тайёрланиш жараёнига гувоҳ бўлмасада, бозордан сотиб олган сумалагимиз қизимга жуда ёқди. Лабларини чўччайтириб, митти бармоқчаси билан тотли таомни ялаётган қизимга қараб, ўзимнинг болалигим, қозон тагида қолган сумалакни тенгдошларим билан талашиб-тортишиб еганларимиз ёдимга тушди.

Энг муҳими, унинг чокотеллани эмас, айнан сумалакни севиб ейиши мен учун эзгу айёмнинг яна бир мўъжизаси эди...

# Қувонч айёми

**Шаҳбоз МУРТАЗАЕВ,** Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси прокурорлик фаолияти йўналиши талабаси.

**Тонг саҳар. Тоғ бағрида жойлашган қишлоқ аҳли ҳали уйқуда. Баҳор нафаси сезилар-сезилмас уйғоқ руҳларни аллалайди. Қуёш эндигина осмон чеккасидан бўй кўрсатиб, оламга нурларини тарата бошлаган. Ана шундай лаҳзаларда Наврўзнинг илк қадамларини сезиш мумкин.**

Қишлоқнинг энг кекса онахони Хосият буви ўтов олдида тиз чўкиб, қўлларини самога чўзганча дуо қиляпти. У одамларга Наврўз шодлик, мўл ҳосил ва бахтли кунлар олиб келишини тилаб, юрагидаги эзгу ниятларини шамолларга ишониб топширарди. Шу пайт бир гуруҳ болалар узоқдан югуриб келиб, қувонч билан:

– Сумалак пишяпти! Сумалак пишяпти! – деб ҳайқиришди.

Бу хабар қишлоқ аҳли учун энг яхши янгилик эди. Чунки сумалак тайёрланиши – Наврўзнинг жонли тимсоли, байрамнинг қалб ҳарорати эди. Хонадонларнинг бирида аллақачон катта қозон осилган, атрофга тутун тарқаб, ширин ҳид таралarди. Аёллар ва қизлар очилиб турган баҳор гулларидек кулиб, сумалак атрофида чиройли миллий либосларда йиғилишган. Кимдир буғдой унини олиб келмоқда, кимдир болаларга ширинлик улашяпти, кимдир эса қозонга тоза тошлар солиш билан банд.

– Опа, бу тошларни нега ташлаяпмиз? – деб сўради қизалоқ.

– Бу тошлар сумалакнинг куйишига йўл қўймайди, – деб жавоб қилди онахонлардан бири. – Уларни топиб олган болаларга эса бахт ва омад ёр бўлади, – дейишади.

Қозондаги сумалак бир маромда аралаштирилмоқда. Улкан капгирнинг ҳар бир ҳаракатида ҳаёт ритми бордек. Бир киши ковлаб чарчаса, бошқаси қўлига олади. Ҳар гал кимдир сумалакни ковлаганида, шақир-шуқур қайнаётган масса қозон четига оқиб, ўзгача манзара ҳосил бўлади. Қиз-аёллар Наврўз қўшиқларини айтишар, баъзилари эса шўх-шўх ҳазиллар билан кулгу аралаш сумалакка ҳарорат бахш этишарди.

Шомга яқин қозон атрофида одам янада кўпайди. Ахир, Наврўз кириб келмоқда. Баҳор тафти юракларга шундай сингиб кетганки, одамлар уйқу ҳақида ўйламасди. Юлдузлар осмон узра чарақлаб, Наврўзнинг қутлуғ кечасига гувоҳ бўларди. Кимдир қувонч билан узоқ йиллик сумалак афсоналарини сўзлар, кимдир қўшиқ айтиб, рақсга тушарди.

Бир вақт қозоннинг қайнаши секинлашди, тотли таомнинг ҳиди янада ёқимли тус олди. Сумалак тайёр бўлди. Уни дастурхонга тортишди. Ҳамма ҳаяжон билан сумалакдан татиб кўришга шошарди. Унинг шираси тилга ёпишиб, хушбўй таъми юракларни яйратарди.

Ана шундай шодлик, дўстлик ва меҳмондўстлик ила Наврўз табиат ва инсоният билан яна бир йилга қўл бериб кўришди. Ва у, ҳар йили бўлгани каби, кулиб келди...





# "Наврўз" кроссворди



**САВОЛЛАР**

**Энига:** 1. Кўклам, Наврўз рамзларидан бирига айланган қуш. 8. Вақт, пайт. 9. Баҳор гули. 11. Қишлоққа бўри ... ("яшириниб кирди" деган маънода). 13. Тошкентнинг қадимий маҳалласи. 15. ...копия – ҳужжатнинг оқ-қора нусхаси. 17. Баҳор элчисига айланган дарахт. 20. Касалини яширсангиз, ....си ошкора қилади. 21. Италиялик модельер Жоржио ... . 22. Наврўзда пишириладиган тансиқ таом. 23. АҚШдаги штат. 24. Катта олим. 25. Ўрама шаклида пишириладиган ширинлик. 28. ... жаҳон – телевизор. 31. "Дунё гўзали" танловида ғалаба қозонган биринчи осиёлик аёл– ... Кожима. 33. Шахматнинг "ота"си сифатида таърифланадиган ўйин. 34. Тўғри ёзув. 35. "Мамнун", "кўнган" маъноларини билдирувчи сўз. 36. У ёки бу даврда илмий ҳамжамият томонидан тан олинган ва янги илмий тадқиқотлар учун намуна сифатида хизмат қиладиган илмий ютуқлар мажмуи.

**Бўйига:** 2. Бойчечагим бойланди, қозон тўла ...дир (қўшиқдан) 3. Дунё бўйича спорт клубларига берилган энг машҳур номлардан бири. 4. Сўрғичли саккизта катта пайпаслагичи бўлган денгиз ҳайвони. 5. Янги тадқиқотларга кўра, ҳафтасига икки марта 24 соатдан ... ҳолатида юриш ўзига хос иммунитет ҳужайраларининг саратонга қарши курашиш қобилиятини оширади. 6. Қизиқиш, интилиш, ҳавас. 7. Франциялик машҳур футбол мураббийи Жерар ... . 10. Шаърий маҳкама раиси. 12. Тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурган, осойишта жой. 14. Катталиги бўйича Чехиядаги учинчи шаҳар. 16. Кўкламда тайёрланадиган витаминларга бой таом. 17. Ишқ фасли. 18. Исбот, факт. 19. Муҳаммад исмининг ўзгарган кўриниши. 26. Сартарош асбоби. 27. Бирор эҳтиёж ёки мақсад учун кифоя қиладиган миқдор. 29. Мактуб, хат. 30. Ҳўкизга – туртки, донога ... кифоя (мақол). 31. Суд қарори. 32. Кишининг ўз қўли билан ифода этган махсус ёзув-чизув шаклдаги шахсий белгиси.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятов,
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 341.
2091 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 8 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 22.25.

1 2 3 4 5 6